



2020

Педагогнинг касбий
профессионаллигини ошириш

Муслимов Нарзулла | П.Ф.Д., Проф.
Ишмуҳамедов Равшан | Катта ўқитувчи
Тўраев Аббос | Катта ўқитувчи
Инназаров Мажид | П.Ф.Ф.Д, PhD.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ
- МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ПРОФЕССИОНАЛЛИГИНИ
ОШИРИШ”**

модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2021

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: **Н.А.Муслимов** – педагогика фанлари доктори, профессор
Р.Дж.Ишмуҳамедов – катта ўқитувчи.
А.Б.Тўраев – катта ўқитувчи
М.А.Инназаров – педагогика фанлари бўйича PhD

Такризчилар: **Ж.О.Толипова**-педагогика фанлари доктори, профессор.
Ф.М.Зокирова-педагогика фанлари доктори, профессор

Ўқув -услубий мажмуа **Бош илмий-методик марказ Илмий методик**
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декбардаги 5/4-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	6
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	16
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	23
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	83
V. ГЛОССАРИЙ.....	97
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	106

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августда “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, 2020 йил 27 февралда “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрда “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир” номли нутқида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, ушбу дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий професионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий професионал ижодкорлигини ривожлантириш омили. Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари

(дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари. Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, инновацион фаолиятни ривожлантиришдаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, шунингдек, уларда инновацион таълим технологиялари, ўқитишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари, педагогик компетентлик сифатлари ҳамда таълим жараёнини ташкил этишга креатив ёндашишга доир билимларни такомиллаштириш асосида улар томонидан инновацион ёндашув, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятнинг самарали ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитни яратиш тўғрисида кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларда инновацион характерга эга педагогик фаолиятни ташкил этиш;
- уларда педагогик жараённи самарали ташкил этишда креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш бошқа таълим технологияларидан ўринли, мақсадли фойдаланиш кўникма-малакаларини ривожлантириш;
- тингловчиларнинг ўкув лойиҳаларини ишлаб чиқиши, фанлараро интеграцияси (STEAM таълими)ни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш малакаларини такомиллаштириш;
- тингловчиларда касбий профессионаллигини янада такомиллаштириш;
- ОТМ педагог кадрларида ўкув машғулотларини ташкил этишга креатив ёндашиш кўникма-малакаларини такомиллаштириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

ТИНГЛОВЧИ:

- профессионал ўқитувчи шахсига қўйиладиган талабларни;

- педагогнинг компетентлиги ва креативлиги сифатларини;
- қасбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), махсус (hard skills) компетенциялар мазмунини;
- таълим жараёнини модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувларини;
- ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиха, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикасини;
- талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.)ни;
- талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишининг замонавий шаклларини;
- Steam-таълим (Science – аник фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятларини **билиши** керак.
- қасбий профессионаллиги ва инновацион фаолиятини намоён этиш;
- таълим жараёнида модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувларни қўллаб, таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш;
- ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиха, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш;
- талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.)дан фойдаланиш;
- талабаларнинг мустақил ишларини замонавий шакллар асосида ташкил этиш;
- Steam-таълим (Science – аник фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) усулларидан фойдаланиш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.
- қасбий профессионаллиги ва инновацион фаолиятини ташкиллаштириш;
- таълим жараёнида модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлардан самарали фойдаланиш;
- ўқув машғулотларини замонавий турлари (лойиха, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) асосида ташкиллаштириш;

- талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.)дан фойдаланиб, ўқув-билиш фаолиятини ташкиллаштириш;

- талабаларнинг мустақил ишларини замонавий шакллар асосида бошқариш;

- Steam-таълим (Science – аник фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) усуллари асосида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкиллаштириш **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, каби модуллар билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар инновацион таълим технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллаш малакалари, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятга эга бўлади.

МОДУЛ БҮЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси		
		Жами	Назарий	Амалий машғулот
1.	Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни ривожлантириш йўллари	4	2	2
2.	Ўқув машғулотларининг замонавий турлари асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси	4	2	2
3.	Steam ва STREM таълим хусусиятлари	2		2
	Жами:	10	4	6

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ. ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ПРОФЕССИОНАЛЛИГИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмунни. Модули-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

2-МАВЗУ. ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

Ўқув машғулотларининг замонавий турлари асосида (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш. Креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишининг замонавий шакллари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ПРОФЕССИОНАЛЛИГИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ (2 соат)

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги.

Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ (2 соат)

Ўқув машғулотларининг замонавий турлари асосида (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш. Креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишининг замонавий шакллари

3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: STEAM ВА STREM ТАЪЛИМ ХУСУСИЯТЛАРИ. (2 соат)

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – изодий санъат, Mathematics – математика) хусусиятлари. STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англа билиш, мотивацияни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ривожлантириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳalар echimi bўyicha daliillar va aсосли аргументларни тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар echiminini topish қобилиятини ривожлантириш).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25

январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар қунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи “Ўқитувчи ва мураббийлар–янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир”. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 1 октябрь, №207 (7709).

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль, “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

20. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. -116 с.

21. Бриткевич М.С. Инновационный педагогический опыт как фактор профессионального совершенствования учителя в условиях системы повышения квалификации. дисс... кан.пед.наук. – М.: 2018. - 229 с.

22. Головей Л.А., Манукян В.Р., Рыкман Л.В. и др. Профессиональное развитие личности: начало пути (эмпирическое исследование)/ Л.А. Головей, М.В. Данилова, Л.В. Рыкман, М.Д. Петраш, В.Р. Манукян, М.Ю. Леонтьева, Н.А. Александрова. - СПб.: Нестор-История, 2015. -336 с.

23. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд:“Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

24. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дисс... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.

25. Зайцев В.С. Современные педагогические технологии: учебное пособие. – В 2-х книгах. – Книга 1. – Челябинск, ЧГПУ, 2012 – 411 с.

26. Зайцев В.С. Современные педагогические технологии: учебное пособие. – В 2-х книгах. – Книга 2. – Челябинск, ЧГПУ, 2012 – 496 с.

27. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Т.: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

28. Иноятов У.И. ва бошқ. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.-Тошкент: ТДПУ – 2013. – 256 б.

29. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
30. Корниенко Е.Р. Педагогика: учебное пособие для иностранных студентов / Е.Р.Корниенко. – Архангельск: Изд-во Северного государственного медицинского университета, 2015. – 147 с.
31. Кох М. Н. Основы педагогики и андрагогики: учеб. пособие /М. Н. Кох, Т. Н. Пешкова. – Краснодар: КубГАУ, 2015. – 90 с.
32. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
33. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.
34. Муслимов Н.А., Муталипова М.Ж., Абдуллаева К.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. Методик қўлланма. –Т., 2014.
35. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО УрФУ, 2017. – 128 с.
36. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳоликова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл.–Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.–115 б.
37. Савельева С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе вуза: монография. – Воскресенск, 2012. – 218 с.
38. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бугакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

IV. Интернет сайтлар

39. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
40. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
41. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
42. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
43. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Таълим самарадорлигини оширишда ўзига хос замонавий ёндошувларидан бири бу инновацион ёндашув бўлиб, бунда ўқитиш жараёнларини ташкил этишда шакл, метод ва воситаларнинг ўзаро уйғунлигини ҳисобга олган ҳолда танлаш асосида ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ривожлантириш саналади.

Инновацион ёндашув асосида таълим жараёнини ташкил этишда унинг асосий компоненти интерфаол таълим методлари ҳисобланади.

Интерфаол методлар деганда – таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг барча босқичларида субъект-субъект муносабатини ташкил этувчи методлар тушунилади.

Педагогикага оид адабиётларда интерфаол таълимнинг самарали жиҳатларини қуидагича баҳоланади:

1. Интерфаол таълим методлари таълим олувчилардаги билиш жараёнларини фаоллаштириш, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни аниқ вазиятларда қўллай олиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий изланиш имконини беради.

2. Интерфаол таълим методлари – таълим олувчилардаги мотивацияни, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш кўникмаларини, тадқиқотчилик фаоллиги, креатив фикрлаш кўникмасини ривожлантиради.

3. Интерфаол таълим муҳити таълим олувчиларда муаммоларни кўра билиш, таҳлили қилиш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, толерантлик, ўзгалар фикрига ҳурмат, жамоадаги ҳамкорлик, ҳаётий қадриятларини ривожлантиришга қулай шарт-шароитларни яратади.

Инсон воқелик тўғрисидаги дастлабки маълумотларни кўриш, эшитиш, хид билиш, таҳм билиш, туйиш каби сезгилар орқали қабул қиласди. Сезгилар орқали қабул қилинган маҳлумотлар мияда муайян хусусиятларига кўра яхлит ҳолга, маҳлум бир тизимга олиб келиниши, яхни маълумотлар идрок қилиниши лозим бўлади. Ахборотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таҳминлашга хизмат қилувчи бу жараён уларни хотирада сақлаш ва зарур ҳолатларда қайта эсга туширишдан иборат бўлади. Маълумотларни қабул қилишда қанчалик кўп сезги органлари қатнашса, уни идрок этиш, ўзлаштириш ва хотирада сақлаш шунчалик осон кечади. Иккинчи томондан, ҳар бир кишида қайсиdir сезги органлари кўпроқ, қайсиларидир камроқ ривожланган бўлади.


Шу боис, таълим жараённида назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантириш, ўқув материалларини турли кўринишларда, турли сезги органлари орқали қабул қилиниши ва идрок этилишини таҳминлаш – таълим

самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бутун дунёда таълим жараёнида қўлланиладиган педагогик технологияларнинг 100 дан ортиқ методлари мавжуддир. Шунга кўра, таълим ҳоҳ анҳанавий, ҳоҳ интерфаол шаклларда олиб борилмасин, дарс давомида таълимнинг синалган 11 та методлари; маъруза, тўрт поғонали, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, ролли ўйин, ишбоп ўйин, давра суҳбати, муаммоли вазият, баҳс-мунозара, лойиха, йўналтирувчи матн каби методларидан фойдаланиш, уларни ўрнида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, маърузада маълумотлар фақат эшитиш орқали қабул қилинади. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, маъруза пайтида тингловчининг диққатини 20 дақиқа давомида ушлаб туриш мумкин экан. Шунда ҳам, бу давр охирида диққатнинг жуда пасайиб кетишини кузатиш мумкин. Шунга мос равишда, ўқув материалини ўзлаштириш даражаси ҳам жуда паст, атиги 5-10% ни ташкил қилиши аниқланган. Ўқув материалини визуаллаштирилган ҳолда, турли кўргазмали тасвиirlар ёрдамида узатилганда, ҳам эшитиш, ҳам кўриш органлари орқали қабул қилинади. Таълим олувчиларга кўргазмалилик тамойилларига асосланган ҳолда ўқув материалини етказиш уларнинг диққатини жалб этишга ёрдам беради ва шу боис, бу материални идрок этиш, ўзлаштириш осонроқ ва самаралироқ кечади. Нафақат амалий малакаларни, балки назарий билимларни ўзлаштиришда ўқув материалини мустақил ёки гуруҳ бўлиб биргаликда ўрганиш, таълим олувчининг маълумотларни ўзи қидириб топиши, тажриба ўтказиши, ниманидир ўзи қўлда бажариши барча сезги органларини бирваракайига ишлашига олиб келади ва бу ҳолатда ўзлаштириш юқори бўлади.

Амалиётдаги оддий қоида шу ҳақда гувоҳлик берадики, янги билимларни бериш назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида амалга ошириш, кейин эса баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа шу каби интерфаол методларни амалга ошириб, таълим олувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш керак.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида, масалан фақат маъруза ўқиладиган вақт тахминан 20 дақиқадан ошмаслиги керак. Чунки ўрганишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 20 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди. Бу ҳамма таклифлар таълим олувчининг диққатини узокроқ вақтгача сақлаб туришга хизмат қиласди.

Қўйида (1-чизма), мисол тариқасида, таълим олувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштириш кўрсаткичлари келтирилган.



1-чизма. Таълим олувчиликнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари.


Юқоридаги чизмага қўра, янги мавзунинг баёни 20-25 дақиқалик маърузадан бошланиши, сўнг эса 15-20 дақиқа маъруза қилинган ўкув материалини визуаллаштириш, яъни унга доир кўргазмали материаллар асосида тушунтириш, 10-15 дақиқа давомида эса, унга доир бирор тажрибани намойиш қилиш ёки бирор мисолни таҳлил қилиш ва охирида 20-25 дақиқа давомида ўкув материалини мустаҳкамлашга қаратилган мустақил ёки гурӯхий амалий машқ ўтказиш тавсия этилади. Шунинг учун, назарий ўкув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, ҳар 20 дақиқа давомида турли таълим методларидан фойдаланиб узатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Таълим методларидан бундай уйғунликда ва кетма-кетлиқда фойдаланиш натижасида, нафақат таълим олувчиликнинг дикқатини жалб этиш даражасини ошириш, балки таълим самарадорлигини оширишга ҳам эришиш мумкин.

Барча методлар ўкув материалининг дидактик вазифаси, шарт-шароитлар ва вақтни эътиборга олган ҳолда танланади. Тўғри танланган уйғунлашган методлар таълим олувчининг дикқатини узоқроқ сақлаб туриш ва унинг фаоллигини ошириш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида таълим самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналлардан фойдаланилса, эсда олиб қолинган билимларнинг миқдори ва сифати шунчалик юқори бўлади.

Психологик олимларнинг таъкидлашича, агар билимлар фақат маърузалар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса, унда 3 кундан сўнг уларнинг фақат 25%ни эслаш мумкин холос. Агар у маърузалар ўқиши (tinglash), намойиш ва кўргазмали қилиш (қўриш, ушлаб қўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида баҳслашилса, унда 3 кундан сўнг 50% ни эсга тушириш мумкин. Агарда билимлар беришда маърузадан, кўргазмалиликдан ва амалий топшириқларни бажаришдан фойдаланилса (tinglash, қўриш ва амалда бажариш), 3 кундан сўнг

75% ни эслаш мумкин. Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса, маҳлумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб хисобланади. Юқоридаги тасвирдан қўйидаги қоида келиб чиқади:



1. Ўқув

вазиятини тайёрлашда интерфаол методлар ва аудио-визуал воситаларни самарали ишлатиш лозим. Бунда бирданига кўпгина сенсорик каналлар жалб этилади.

2. Ўқув материали тўғрисида баҳслашишга доим имкон беринг. Ўқув сухбатлар, гурухий баҳс-мунозаралар ўтказиш ва амалий топширикларни бажариш тавсия этилади, чунки бу методлар таълим олувчиларни фаолликка жалб қиласди.

Демак, дарс жараёнида анъанавий методлар қўлланилганда, таълим олувчиларнинг ахборотни эслаб қолиш кўрсаткичининг энг юқори даражаси 30% ни ташкил этар экан. Интерфаол методлар қўлланилганда эса, таълим олувчиларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси янада кўтарила боради. Шунинг учун, анъанавий методлар билан биргаликда интерфаол методларни бир-бирини тўлдирган ва уйғунлашган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги. Ўз моҳиятига кўра бу йўналиш таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг тўлақонли ривожланишини кўзда тутади. Бу эса Давлат таълим стандарти талабларига риоя қилган ҳолда ўқувчининг интеллектуал ривожланиши даражасига йўналтирилиб қолмай, унинг руҳий-касбий ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам англатади.

Имитацион ўйинлар - бўлим, цех, корхона ташкилотнинг фаолияти-имитация қилинади. Имитацион ўйинлар сценарияси, ҳодиса сюжетидан ташқари, имитация қилинадиган жараён ва объектлар таркиби ва аҳамияти ҳақидаги тафсилотларни ўз ичига олади.

Операцион ўйинлар - тегишли иш жараёни, уларни бажариш шарт-шароитини моделлаштирадилар. Улар маълум бир ўзига хос операцияларни: - масалалар ечиш, маълум бир усулни ўзлаштиришга ёрдам берадилар.

Ролли ўйинлар - маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини

бажаришдаги руҳий ҳолатлари, хатти-харакати ишланади, роллар мажбурий мазмуни билан тақсимланади.

«Модулли ўқитиши» термини халқаро тушунча - модул билан боғлиқ бўлиб («модул», лат. modulus), унинг битта маъноси фаолият қўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Бу маънода у модулли ўқитишининг асосий воситаси сифатида, тугалланган ахборот блоки сифатида тушунилади.

Ўқитиши усуллари ва техникаси: “Кейс-стади”, “Блиц-сўров”, “Тушунчалар таҳлили”, “Зинама-зина”, “Муносабат”, “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Зиг-заг”, “Идрок харитаси”, “Музёрап”, “Баҳс-мунозара”, “Т-жадвал”, (**График органайзерлар**): “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Тоифалаш жадвали”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва бошқалар.


Интерфаол таълим қуидаги тамойилларга асосланади:

1. Машғулот – маъруза эмас, балки жамоанинг умумий иши.
2. Гурӯҳнинг тажрибаси ўқитувчи (педагог)нинг тажрибасидан кўп.
3. Талабалар ёш, ижтимоий мавқе ва тажрибага кўра ўзаро тенг.
4. Ҳар бир талаба ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини айтиш ҳукуқига эга.
5. Машғулотда талаба шахси танқид қилинмайди (фикр танқид қилиниши мумкин).
6. Билдирилган ғоялар талабаларнинг фаолиятини бошқармайди,

Интерфаол таълим асосини интерфаол методлар ташкил этади. “Таълим жараёнида талабалар ҳамда ўқитувчи ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, фаолликни ошириш таълим олувчилар томонидан билимларни самарали ўзлаштириш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қиласидиган методлар интерфаол методлар саналади”.

Шундай қилиб, интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, талаба, талабалар гурӯҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчи (ўқувчи, талаба)нинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга.

Таълим методларини танлаш мезонлари



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ. ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ПРОФЕССИОНАЛЛИГИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Режа:

1. Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши.

2. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар.

3. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Таянч тушунчалар: *Профессионал ўқитувчи шахси, бошқарув маҳорати, педагогик ижодкорлик, педагогнинг касбий профессионаллиги.*

1.1. Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Ўқитувчининг касбий профессионализми ва касб маҳорати унинг қобилияти мезонлари ҳамда касбий фазилатлари (*чуқур билимга эгалиги ва педагогик фаолиятида унга асосланганлиги*), таълим жараёнини ривожлантириш, ўзгарувчан шароитларда таълим муассасасига мослашуви, инновацион фаолият, ниҳоят таълим жараёнининг самарали кечишига жиддий таъсир этувчи омиллардан биридир. Тингловчилар қобилияtlарининг қай даражада намоён бўлиши ва имкониятларининг қандай очилишига тингловчилар ва ўқитувчи-педагог ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик шакллари, умуман олганда ўқитувчининг касбий етуклигига боғлиқ.



Ҳар қандай фаолиятда профессионализм (профессионал – бирор касб билан доимий шугуулланадиган одам, профессионализм – ўз касбини моҳирлик билан бажариш) – стандарт касбий муаммоларни ечишни билишдир.

Ўқитувчи шахсининг педагогик қобилияти ва касбий жиҳатдан шаклланиши муаммолари бўйича ўтказилган педагогик-психологик тадқиқотларда “профессионализм” тушунчаси “шахснинг касб маҳорати” сифатида ўрганилади. Унинг таркибига педагогик фаолиятни амалга ошириш жараёнида шаклланган муҳим касбий сифатлар ҳамда шахсий касбий салоҳиятни ташкил

этган педагогик қобилият ва маҳорат, интеллектуал, мотивацион, коммуникативлик, креативлик-ижодий, перцептив ҳамда шахс динамизми яъни эмоционал-иродавий (иродавий таъсири ўтказиш ва мантикий ишонтира олиш) қобилиятлар комплекси киради.

Ўқитувчининг профессионаллик даражаси бир неча омиллар билан бевосита боғлиқ.

Биринчидан, педагогик фаолияти жараёнида индивидуал хусусиятларнинг мавжудлиги, уларни тузатиш ва такомиллаштириш, **иккинчидан**, педагогнинг ижтимоий-маданий муҳитга сингиши, таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-маданий меъёрлари ва касбий маҳоратини намоён этиши.

Ўқитувчининг педагогик профессионализми ва ўз касбига “компетентлиги” (лойиқлиги), бинобарин, ўқитувчилик фаолиятининг самарадорлиги, маълум кўрсаткичларга, масалан, педагогнинг нимага ва қандай қилиб ўргатишини қанчалик тушуниши, ҳам билиши, унинг билим даражаси ва педагогик салоҳияти, замонавий ўқитиши технологиясини қай даражада ўзлаштириб олгани, касбий педагогик маҳорати, таълим бериш ва тарбиялаш ҳамда шахсни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни қанчалик ҳал эта олиш педагогик қобилияти билан белгиланади.

Ўқитувчининг касбий педагогик профессионализми - педагогик маҳорати ва ўз касбий фаолиятини юқори савияда ташкил қила олишни таъминловчи, ўқитувчи-педагог шахс хусусиятларини йиғиндишидир. Шундай муҳим хусусиятларга ўқитувчи фаолиятининг инсонпарварликка йўналтирилганлиги, унинг касбий билимлари, педагогик қобилиятлари ва педагогик техникаси (*ўз-ўзини бошқара олиши кўникмалари ва тингловчилар билан ўзаро ҳамкорлик қила олиши малакаси*) киради. Бу педагогик маҳорат тизимидағи ўзини ташқи таъсирларсиз ривожлантира олиш хусусиятига эга тўртта ўзаро боғлиқ жиҳатлардир. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, **ўқитувчи профессионализми** – бу шахс ва фаолият субъектининг мураккаб, кўп қиррали интеграл хусусиятлари мажмуаси бўлиб, унинг тузилмаси қўйидагилардан иборат: а) ўқитувчи профессионализмини ташкил этувчи яхлит компонентлар; б) ўқитувчи фаолияти ва шахсига қўйилган меъёрий талаблар билан белгиланган умумий ёки типик хусусиятлар (*меъёрий профессионализм*). в) ўқитувчи субъект сифатида педагогик фаолият ва мулоқотда намоён бўлувчи индивидуал-психологик ва типологик хусусиятлари педагогик *профессионализмнинг асосий маркибий қисмлари сифатида* “касбий маҳорат”, “педагогик фаолият ва мулоқотнинг индивидуал услуби”, “педагогик ижодкорлик”, “шахсий касбий салоҳият”ни белгилаш мумкин.

Булар “*Маҳорат - Услуб – Салоҳият –Моҳирлик (техника) - Ижод – Артистизм*” формуласида ўз аксини топган яхлит тизимни ташкил этади ва



педагогик профессионализмнинг кўрсаткичлари хисобланади.

Ўқитувчи профессионализми – бу тингловчилар билан ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар жараёнида намоён бўладиган “таълим ва тарбия бериш санъати, педагогик маҳорат, педагогик техника ва эркин ижод”дир.

Юқорида келтирилган фикрлар шу кунда ўқитувчидан моҳирлик, яъни техникани – педагогик техниканинг асосий компонентларини билиш, унинг усусларини эгаллаш ва уларни ўз фаолиятида қўллай олишни талаб этади.

Педагогик техникага А.С Макаренко қуидагича таъриф беради: “**Тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, қувноқ, жаҳлдор бўлишни билиши лозим, у ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбияласин**”.

Педагогик техниканинг асосий компонентлари: 1. Ўқитувчининг ўзини бошқара олиши. 2. Шахс ва жамоага таъсир эта олиши.

Якка шахс ва жамоага таъсир қилишнинг икки усули мавжуд: “ишонтириш усули” ва “ёқиши усули”. Иккинчиси самаралироқдир, негаки инсонга ёқмай туриб уни ишонтириш қийин.

Педагогик техника – ҳар бир таълим олувчи ва жамоага таъсир ўтказища самарали қўллаш учун зарур бўлган малака ва қўнималар, усувлар мажмуаси.

Педагогик техниканинг асосий таркибий кисмлари:

- нутқ малакаси ва техникасини ўзлаштириш;
- тушунарли, таъсирчан фикр ва ҳис-туйғуларни сўзда аниқ ифодалаш, мимика ва пантомимик ҳаракатлар, жестлардан ўз ўрнида фойдаланиш;
- маъноли ва очиқ чехрали нигоҳ билан қараш;
- ҳиссий-психик ва тасодифий ҳолатларда ўз ҳис-туйғуларини жиловлай олиш;
- турли вазиятларда ўқитувчи-педагог ва тарбиячига хос бўлган ижодий кайфиятни бошқариш;
- кулги ва табассум ила самимийликни эътироф этиш;
- тингловчилар, ҳамкаслар билан доимо яхши кайфият ва рағбатлантирувчи муносабатда бўлиш;
- саводли ва соф адабий тилда сўзлаш; ижодий педагогик қобилиятини қўллай билиш.

Педагогик маҳоратни оширишда ўқитувчи шахсининг инсонпарварлик йўналишига эга бўлиши, унинг қизиқишлари, қадрият йўналишлари ва идеалларининг олий мақсадга – баркамол авлод тарбиялаб етиштиришга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Шу билан биргалиқда таълим жараёнини бошқариш мутахассислик фани, уни ўқитиш методикаси, педагогика ва психологияни мукаммал билишни талаб қиласди.

Бугунги кунда давлатимиз таълими соҳаси олдига қўяётган вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Шундай экан, ахлоқнинг муҳим жиҳатларидан бири инсон шаъни, қадр-қимматидир. Кишининг қадр-қиммати, аввало, умумий ишга қўшаётган ҳиссасининг салмоғи ва сифати билан белгиланади. Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда инсон ўз меҳнатининг салмоғи ва сифати билан, ақлий ва жисмоний меҳнатининг самараси, ишбилармонлиги билан қадрланади, ҳалол меҳнат кишининг қадри, иззатхурматини оширади. Ўқитувчи, муаллимнинг бажараётган иши бугунги кунда жамиятда аҳамиятлидир. Инсоннинг қадр-қиммати унинг мансаби, касби-коридан кўра ҳам кўпроқ ўз касбини қандай бажариши, унинг одоби ва хулқ-авторига боғлиқдир.

Жамиятимиз талаб этайдиган ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашда ўқитувчининг ўрни бекиёсдир. Ўқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касб. Яхши ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун қоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади. Ўқитувчининг ёш индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Мактаб ҳаётидаги амалий педагогик жараён эса жуда хилмажилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса ўқитувчидан кенг билимдонлик, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорлик, бошқарув қобилиятини эгаллашни талаб этади. Хўш, педагогик маҳорат нима?

Педагогик маҳорат деганда, педагогик жараённинг барча шаклларини энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, уларни шахс камолоти мақсадлари томон йўналтириш, тарбияланувчиларда кенг дунёқараш ва қобилиятларни шакллантириш ҳамда жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотиш тушунилади.

Педагогик маҳорат тушунчаси мазмунини “*Педагогик энциклопедия*” ва педагогик, психологик адабиётларга асосланиб қуйидагича таърифлаш мумкин:

Педагогик маҳорат – ўз касбининг моҳир устаси бўлган юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, ёндош соҳаларни яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш методикасини мукаммал эгаллаган ўқитувчи -

тарбиячи.

Педагогик маҳорат – ўқитувчининг устоз мураббийлик фазилатлари, ўқитувчилик касбининг сирларини чуқур эгаллаганлиги, инсонийлик ва истеъдоди ҳамда интеллектуал салоҳияти ва шу кабилар асосида ундаги касбий

билим ва тушунча, қўникма ва малакаларнинг мукаммал шаклланган касбий фаолияти.



Педагогик маҳорат – ўқитувчиидаги қуидаги қобилиятлар мужассами:

- + дарс материалини аниқ ва равшан баён қила олиши;

- + ўз таълим олувчиларини иложи борича ўрганилаётган мавзу бўйича бир хил фикрга келтира олиши;

- + мавзу моҳиятини тўла очиб бера олиши ва зарурият бўлганда уларга бу мавзунинг ўз касбий фаолиятидаги ўрни ва роли ҳақида тушунча бера олиши;

- + дарс давомида бефарқ ҳолда қатнашаётган талабани тезда дарс мазмунини ўрганишга жалб қила олиши;

- + дарсни яна давом эттиришини ҳоҳловчи таълим олувчилар сони аудиториядаги жами таълим олувчиларнинг қанча қисмини ташкил этишини баҳолаб бориш ва бу орқали дарс ўтиш технологиясини такомиллаштириб бориш имкониятига эга бўлиши;

- + дарс мақсадига эришганлигини баҳолай билиши ва хулосалаш қобилиятига эга бўлиши ва ҳ.к.

Педагогик маҳорат – ўқитувчининг ўз фанларини ўрганишда эришган тажрибаларини ўз фаолиятида ижодий қўлланган ҳолда ўқув тарбия ишининг ҳамма қирраларида энг юқори даражада эришилган ютуқлардир.

Педагогик маҳорат – бу ўқитувчи-педагогнинг шундай шахсий ва касбий фазилатларини белгилайдиган хусусиятки, у ўз фанини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик-психологик ва методик тайёргарлигига тингловчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнииг мақбул йўлларини излаб топиб амалий фаолиятида қўллашида намоён бўлади.

Педагогик маҳорат деганда ўқитувчининг педагогик-психологик билимларини, касбий малака ва қўникмаларини мукаммал эгаллаши, ўз касбига қизиқиши, ривожланган педагогик фикрлаши ва интуицияси, ҳаётга аҳлоқий-эстетик муносабатда бўлиши, ўз фикр-мулоҳазасига ишончи ва қатый ифодаси тушунилади.

Педагогик маҳорат – ўқитувчининг касбий йўналишдаги ижодкорлигини олий намунаси, педагогик маҳорат ўқитувчидаги йиллар давомида шаклланиб боради. Маҳоратли ўқитувчи ҳамиша илғор тажриба соҳиби бўла олади. Шунинг

учун “Педагогик технология” тушунчаси таркибига “янги”, “илғор”, “новаторлик”, “ижодкорлик”, “касб тафаккури” каби тушунчалар сингдирилади. Бу тушунчаларнинг ривожи педагогик маҳоратда намоён бўлади.

Ўқитувчилик маҳорати юзасидан таҳлил қилинган манбаларда «педагогик маҳорат» – «ўқитувчи-тарбиячининг педагогик қобилияти», «ўқитувчининг муомала маданияти ва нутқ санъати», «педагогик назокат, одоб ва аҳлоқ», «турли келиб чиқадиган педагогик вазиятларга муносабат», «ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида илмий ижодий ишлаш» каби иборалар билан тавсифланади. Демак, педагогик маҳорат ўқитувчининг касбий, шахсий, умуммаданий, маҳсус сифатлари билан бирга ўз касбига лаёқатлилиги, меҳри билан тавсифланади.

«Ўқитувчи, – дейди Ал-Фаробий, – ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалай олишни билмоғи зарур». У ўз фикрини давом эттириб, «Ўқитувчи ва раҳбарнинг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшайди, шу сабабли ўқитувчи эшитган ва кўрганларининг барчасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши, ёшларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалаб беришни билмоғи лозим. Шу билан бирга ўз ор-номусини қадрлаши, адолатли бўлмоғи лозим. Ана шундагина у инсонликнинг юксак даражасига эга бўлади ва баҳт чўққисига эришади», деб таъкидлайди.

Насриддин Тусий ўзининг «Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида» номли асарида: «Ўқитувчи мунозараларни олиб бориши, рад этиб бўлмайдиган даражадаги исбот қилишни билиши, ўз фикрларининг тўғрилигига ишониши, нутқи эса мутлақо тоза, жумлалари мантиқий ифодаланадиган бўлиши лозим. Ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда заҳарҳандали, қўпол ёки қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг ўзини тута олмаслиги ишни бузиши мумкин», дейди. Демак, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи педагогик маҳоратдан оқилона фойдаланиши, бошқариш механизмларидан фойдаланиши зарур.

Педагогик жараённи бошқариш нимадан бошланади? Таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш ташкил этиш, ўқув вазиятлари бўйича қарор қабул қилиш, кафолатланган натижани қўлга киритиш, назорат қилиш, касбий фаолиятни мувофиқлаштириш билан белгиланади.

Педагогик маҳоратни оширишда бошқарув санъатидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда таълим менежментида долзарб бўлган масалалар мавжуд:

1. Таълимда мақсадни аниқ қўя билиш ва бош ғоялар ечимиға эътибор бериш.
2. Педагогик жамоада сўз ва иш бирлигини йўлга қўйиш, соғлом муҳит

яратиш.

3. Таълимда Давлат таълим стандартлари талаблари ижросини сифатли кафолатлаш.

4. Жамоа ва ўқувчилар орасида онгли интизомни шакллантириш.

5. Ҳар бир касбдош педагогга самимий муносабатда бўлиш.

6. Ижодкорлик, тезкорлик ва ишончни қозониш, кенг қамровли фикр юритиш, мақсад ва истиқболни аввалдан кўриш, қилинган ишларни таҳлил этиш, танқидий қараш, таклиф киритиш, татбиқ этишга эришиш.

7. Педагогик жамоанинг ички тартиб-қоидаларига амал қилиш.

8. Таълим-тарбия ишларини олиб бориш учун соғлом муҳит ва моддий шароит яратиш.

9. Иш юритишида давлат, нодавлат ташкилотлар, таълим муассасалари, оила, маҳалла билан самимий ҳамкорлик ўрнатиш ва таълим-тарбия сифатини ошириш.

10. Таълим-тарбия жараёнида сифат ва самарадорликни таъминлаш кабилардан иборат.

Бунда педагог фаолияти қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

- тарбия ва таҳсил олувчиларга таъсир ўтказа олиш;
- талабчанлик;
- масъулиятни ўз зиммасига олиш;
- обрў-эътиборга эга бўлиш;
- педагогик жамоа ишончини оқлаш;
- ўқувчилар фаолиятини тўғри идрок этиш;
- таълим-тарбия натижаларини кузата билиш, баҳолай олиш, зарур ҳолатларда танқид қила олиш.

Педагогга хос сифатлар: ташкилотчилик; касбий ишчанлик; муомалада киришимлилик; ҳар қандай вазиятда ўзини тута олиш, вазминлик; касбий маҳорат; улдабуронлик, бунёдкорлик; маслаҳат бера оладиган; ақл-идрокли; ўзига ишонадиган; ўрнак бўла оладиган; назорат қила олиш.

Ўқитувчининг касбий педагогик маҳоратининг асосий мазмун моҳиятини мезонлари ва кўрсаткичлари-педагогик ижодкорлик, педагогик техника сирларини пухта эгаллаш ва юксак касбий салоҳиятга – профессионализмга эга бўлиш, таълим-тарбия жараёнида тингловчилар билан ўзаро мулоқот олиб бориш тактикасини қўллаш ва уларга муваффақиятли таъсир кўрсатишнинг шакл, усул, воситаларидан хабардорлиги, педагогик қобилиятларини намойиш эта олиш, нутқининг равонлиги, ташкилотчилик қобилияти, маънавий маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, педагогик фаолият жараёнида хулқ-атворини ва ҳиссиётларини жиловлай олиш ва бошқа

хусусиятлардан иборат. Демак, юксак педагогик маҳорат эгаси, яъни профессионал касб эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўзида ҳам илғорликни, ҳам ижодкорликни, ҳам новаторликни (янгиликка интилишни) тарбиялаши лозим.

Буни қуйида келтирилаётган ўқитувчининг касбий маҳорати мазмуни ва моҳияти асосида қўришимиз мумкин:

Мутахассисларнинг тадқиқотлари натижасида ўқитувчиларни педагогик билимлар, педагогик маҳоратни эгаллашларининг беш даражаси аниқланган: ахборот, тезаурус, услубий, технологик, тадқиқот.

Ахборот даражасида асосий вазифа мавжуд билим ҳакида ахборот олиш имкониятини таъминлашдан иборат.

Тезаурус даражаси фан тили билан боғлиқ. Касбий профессионалликка эга бўлган педагог бу тилни билиши шарт, чунки билимлар уларни лозим даражада қабул қилиш ва тушунишни тақазо этади. Тезаурус даражаси билим ва инсон ўртасидаги ахборотга оид тўсикларни бартараф этиш ва мутахассисларнинг фан тилини эркин ўзлаштиришга имконият яратишни назарда тутади.

Услубий даражада нафақат илмий билимлар, балки касбий кўникмаларнинг ҳам мавжудлигини, педагогик назариётчилар томонидан ишлаб чиқилган услубларни ўзлаштирилганлигини англатади.

Технологик даражада илмий билимларни ва тавсия этилган илғор тажрибани амалиётга жорий этиш мақсадида уларни сифатли ва самарали акс эттиришни назарда тутади. Акс эттириш тўғридан-тўғри нусха кўчириш дегани эмас. Бунда муайян метод қўлланилаётган шарт-шароит, хусусан, тингловчиларнинг тайёргарлик даражаси, уларнинг одатлари, ўқитувчи-педагогларнинг технологик маданият ва педагогик маҳорат даражаси ҳисобга олинши лозим.

Таъкидлаш зарурки, ўқитувчининг технологик маданияти педагогик маданият ва педагогик маҳоратининг таркибий қисми ҳисобланади. Технологик маданиятли ва юксак касбий педагогик профессионалликка эга ўқитувчи педагогика фани ва амалиётини бирлаштиради.

Тадқиқот даражаси шу билан тавсифланадики, ўқитувчи илмий билимдан фойдаланувчиidan уни яратувчисига айланади. Янгилик яратувчи педагоглар амалиётнинг илмий салоҳиятини, тадқиқот фаолияти учун керакли тадқиқот майдонининг мавжудлигини намойиш эта оладилар.


Шундай қилиб, педагогик маҳорат ўқитувчи-педагогларнинг қўникмалари таркибига амал қиласди ва амалий фаолиятда улар орқали руёбга чиқади. Шу сабабли педагогик маҳорат ўқитувчининг педагогик маданияти ва педагогик кўникма, этикасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Педагогик ижодкорлик. Олий таълим муасасаси таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш бевосита таълим жараёнини амалга

оширувчи ўқитувчиларга алоҳида талаблар қўяди. Амалий фаолиятга ижодкорона татбиқ этишнинг асосий таянч нуқталари ҳисобланган, ўз-ўзини такомиллаштириш технологиясининг концептуал асосларини, асосий қоидаларининг моҳиятини ўзлаштирган педагог талабаларга таълим ва тарбия беришда инновацион ғояларнинг етакчиси бўла олиши мумкин. Бу эса қуйидагиларни тақозо этади:

- а) у талабани тинглай билади ва уни эшита олади, шахсий фикрларини ифодалашига, очиқдан-очиқ қарши чиқишига бағрикенглик муносабатида бўла олади, ўзаро тенглик ва ишончга асосланган муносабатларни ўрната билади, вазиятдан муносиб равишда чиқа олади;
- б) педагог янги ғояларни ҳамиша қўллаб-куватлайди, гоя ва фикрларини bemalol, эркин ифодалаш мумкин бўлган муҳитни яратади;
- в) қийин ёки низоли вазиятларда айбордни эмас, кескинлик ва ихтилофларнинг келиб чиқиш сабабларини излайди;
- г) талабалар жамоасида мўътадил психологик муҳитни яратади, уларнинг муваффакиятлари ва хизматларини тан ола билади.

Ижодкор педагог ўз касбининг етук устаси – устоз педагог, маълум педагогик маҳоратга эга шахс ҳисобланади. Педагог барча вазиятларда ҳам ўз фаолиятини муваффакиятли олиб бориши учун доимий равишда ўз билим ва маҳоратини ошириб, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни, илғор педагогик тажрибаларни, метод ва усулларни мунтазам ўрганиб, касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириб боради.



“мослашувчан” малака) универсал (умумий) компетенциялар.

“Hard skills” - малака даражасини аниқлаш ва ўлчаш мумкин бўлган билимлар мажмуи сифатида (матнни компьютерда териши малакаси, автомобилни бошқарни кўникмаси, инглиз тилида гапириши, математик билим, компьютер дастурларидан фойдаланиши кўникмаси), “soft skills” аниқ ва умумий

1.2. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни.

Модули-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим соҳасидаги нуфузли Халқаро эксперталар томонидан таълим-тарбия жараёнига икки хил компетенцияларни уйғун жорий этиш таклиф этилмоқда. Булар: “Hard skills” - (инглиз. “қаттиқ” малака) касбий компетенциялар ҳамда “Soft skills” - (инглиз. “юмишоқ”,

ўлчов бирлигига эга бўлмаган мослашувчан, эгилувчан малакалар (*креативлик, жамоада ишилаш кўникмаси, ҳиссий барқарорлик, масъулият, ташаббускорлик ва ҳ.к.*) сифатида қайд этилмоқда.

“Hard skills” - “қаттиқ” малакага эга бўлиш учун муайян касб бўйича аниқ билим зарур бўлади ва бу кўникмаларнинг мавжудлиги имтиҳон ўтказиш орқали аниқланади.

“Soft skills” - “юмшоқ” компетенциялар (*ижодкорлик, мулоқотга киришиши лаёқати, жамоада ишилаш қобилияти, қатъиятлилик, танқидий фикралиш ва ҳ.к.*) эса кўп ҳолларда инсон характери ва ҳаётий тажрибасига бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли шахсий фазилат, хислат, қобилият сифатида ҳам талқин этилади.

“Soft skills” тушунчаси тадқиқот предмети (объекти) сифатида илмий муомалага кириши илк марта 1959-1972 йилларда АҚШ армияси шахсий таркибини тайёрлаш жараёнидаги ислоҳотлар билан боғлиқ. Аскарларнинг шахсий ва жанговор компетенцияларини шакллантириш бўйича тадқиқотларга раҳбарлик қилган психолог, эҳтиёжлар назарияси муаллифи, мавзулар бўйича апперцептив тестларни баҳолашнинг янги методикасини ишлаб чиқкан профессор Дэвид Макклэланд АҚШ давлат департаменти хизматига ходимларни танлаш жараёнида илк марта “юмшоқ” (soft) компетенциялар ва уларни баҳолаш тушунчасини кўллади.

XXI асрга қадар таълим тизимида ёшларга асосан “hard skills” – “қаттиқ” малака даражасини беришга эътибор қаратиб келинди. Яъни, муайян касбни пухта эгаллаш, унинг сир-асрорларини тўлиқ ўзлаштириш – шахснинг етук мутахассис эканлигини белгиловчи асосий фактор сифатида қайд этилган.

XXI аср педагогикаси эса замонавий дунёда бу хислатларнинг етарли эмаслиги, эндиликда тафаккурни ривожлантириш, креатив макон, мұхит, креатив шахс, креатив маҳсулот яратишга бўлган эҳтиёж асосида иш тутиш лозимлигини уқтироқда.

Таникли бизнес-тренер, «SBA University» асосчиси, тадбиркор В.Шипилов мазкур билим, малакаларни шакллантириш жараёнида унинг даражаларини куйидагича таснифлаган:

ДАРАЖА	ДАРАЖА ТАСНИФИ
5 Моҳир (профессионал, устаси фаранг) мутахассис (уста, мастер)	<i>Маҳоратни ривожлантиришининг олий (энг юқори) даражаси</i> Ўз соҳасида юқори даражадаги профессионал, эксперт (авторитет) даражасига эришган мутахассис. Муайян йўналиш (касб, ихтисослик) бўйича малакаларни ривожлантириш, янада такомиллаштириш, бошқаларга ўргатиш компетенцияларига эга шахс.
4 Илгор мутахассис	<i>Маҳоратни ривожлантиришининг юқори даражаси</i>

	Юқори малакага эга бўлган, ўз кўникмаларни мураккаб жараёнлар ва ностандарт ҳолатларда ҳам тўғри қўллаш тажрибасига эга мутахассис.
3 Тажрибали мутахассис	Маҳоратни ривожлантиришининг ўрта даражаси Ўз соҳаси бўйича етарли билим ва малакага, тажрибага эга бўлган ва бу билимларини амалиётга самарали қўллай олувчи мутахассис.
2 Ривожланаётган (ҳаваскор) мутахассис	Маҳоратни ривожлантиришининг паст даражаси Муайян малака ва кўникмаларни эгаллаш жараёнидаги шахс. Унинг аҳамияти ва моҳиятини англаган, билим ва кўникмаларини ривожлантиришга ҳаракат қилаётган, аммо уни амалиётда барқарор қўллай олмаётган шахс.
1 Малакасиз даражада	Маҳоратни ривожлантиришининг энг паст даражаси. Малака даражасига эга бўлмаган, унинг аҳамияти ва моҳиятини тушунмаган, билим ва кўникмаларини ривожлантиришга ҳаракат қилмаётган шахс

Муайян йўналишдаги қобилият ва малакаларни ривожлантириш учун эса аниқ ҳаётий билим ва тажрибага эга бўлиш талаб этилади.

Шундагина шахс касбий фаолиятида юзага келадиган янги имкониятлардан фойдаланиш малакасига эга бўлади.

Бу йўлда асосий тўсиқлар нималардан иборат бўлади:

- Қаерда, нима учун ва қандай ҳаракат қилишни билмаслик, режадаги мавҳумликлар ва унинг реалликдан узоқлиги;
- Амалдаги ишда ва умуман ҳаётда бирор нарсани ўзгартиришга тайёрлик (истак)нинг йўқлиги;
- Режалаштиришда конструктив, амалий жараёнларнинг устун келиши ва ҳиссий ҳолатни инобатга олмаслик;
- Фақат натижаси олдиндан маълум ва синовдан ўтган вазифаларни амалга ошириш ҳамда бошқа янги ташаббус ва лойиҳаларни ҳал қилиш, зиммасига олишдан қўрқиши;
- Ўз хатти-ҳаракатларини баҳолаш ва натижаларни олдиндан башорат қилиш малакасининг етишмаслиги;
- Ўз ҳаракатларининг муваффақияти тўғрисида фикрларга қизиқишнинг йўқлиги.

Айнан шу жараёнлар шахснинг ўз хоҳиши иродасига қўра “юмшоқ” малакалар (soft-skills) ҳамда “қаттиқ” малакалар (hard-skills)га эга бўлиши учун замин яратади.

Компетентли ёндашув таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг асосларидан бири деб ҳисобланади. Бугунги кунда таълим сифатини айнан мутахассиснинг компетентлилигини ривожлантириш билан таъминлаш мумкин, бунга таълим жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш орқали эришиш мумкин. Шундай технологиялардан бири модулли таълим технологиясидир. Таълим-тарбия жараёнига модулли-компетентли ёндошув таълим жараёнида шакллантирилиши ва ривожлантирилиши зарур бўлган таянч, касбий ва маҳсус компетенциялар комплексини лойиҳалаштириш имконини беради.

Таълимнинг амалий ва ижтимоий жиҳатларини бирлаштириш орқали таълим жараёнида қатор янги имкониятлар ҳосил бўлади, компетентли ёндошув асосидаги таълимни амалга ошириш учун қўшимча шароитлар яратилади, яъни:

- Билимларнинг тизимлилиги ва фанлараро боғланиши таъминланади;
- Таълим мазмунининг динамик равишда кенгайиб боришига имкон яратилади;
- Ишлаб чиқариш технологияларига мос равишда мутахассисларнинг фаолият юритиш режаларини тузиш имкониятлари пайдо бўлади;
- Лавозим вазифалари ва мажбуриятлари билан таништирилади;
- Ҳаракатлар ва бажариладиган ишларни амалга оширишнинг йўллари кўрсатилади;
- Бўлажак мутахассисларнинг лавозимга оид ва шахсий манфаатлари ҳисобга олинади.

Бу ҳолда асосий таълим дастурлари мазмунини лойиҳалаштириш модулли таълим тизими орқали амалга оширилади. Олий таълимнинг давлат таълим стандартларида: “*модул – таълим ва тарбиянинг муайян мақсади ва натижасига эришиш бўйича ўзаро боғланган ҳамда мантиқий тугалликка эга бўлган ўқув фанлари ва уларнинг таркибий қисмлари*” деб таърифланган.

Модулли таълим – таълим олувчининг мустақил равишда унга тақдим этилган ҳаракатлар мақсадли дастури, ахборот банки, қўйилган дидактик мақсадларга эришиш учун услубий кўрсатмаларни қамраб олган маҳсус дастурдир.

Модулли таълимнинг бошқа таълим тизимларидан қуйидагича принципиал фарқлари бор:

- таълим мазмуни тугалланган, мустақил модуллар шаклида тақдим этилади;

– ўқитувчининг таълим олувчи билан мулоқоти тубдан янги асосда амалга оширилади. Таълим олувчи ўқитувчи билан бўладиган ҳар бир учрашувга шахсий билим ортириш қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда модул ёрдамида дастлабки тайёргарликни маълум даражага етказади.

Модул ўқув дастури – яхлитлик, нисбатан мустақиллик ва мазмунининг мантикий тугалланганлиги, тузилманинг мослашувчанлиги, таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш тезлиги хусусиятларига эгадир.

Модулли-компетентли ёндашув асосидаги ўқув жараёни шундай ташкил этиладики, бунда таълимнинг мақсади сифатида таълим олувчининг касбий компетенцияларининг йифиндиси, унга эришиш воситаси сифатида эса касбий таълимнинг мазмунини ва тузилмасини модулли тарзда қуриш ҳисобланади.

Модуль таълим дастурининг муайян касбий компетенцияни ёки кометенциялар гурухини шакллантиришга қаратилган мустақил бирлиги ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, модуль – таълим дастурининг бир ёки бир неча компетенцияни шакллантирувчи тугалланган бирлиги ҳисобланади ҳамда таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларининг назорати билан якунланади. Демак, модулли таълим дастури муайян компетенцияларни эгаллашга қаратилган бўлиб, маълум кетма-кетлиқда жойлашган модулларнинг йифиндисидан иборат.

Бунда компетенция тушунчаси *билиши ва тушуниши* (назарий билим ва тушунчаларга эгалик, ўрганиш ва тушуниш қобилияти), *қандай ҳаракат қилишини билиши* (билимларни амалий ва тезкор равишда муайян вазиятларда қўллай олиш), *қандай бўлишини билиши* (қадриятларни билиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш)ни ўз ичига олади. Бошқача қилиб ифодаланадиган бўлса, компетентлик субъектнинг когнитив, мотивацион, қадриятларга оид ва амалий жихатларни бирлаштирган интегратив хусусияти бўлиб, бирор-бир соҳада муваффақиятли ҳаракат қила олишида кўринади.

Талабалар томонидан модулларни ўрганишда ўқув жараёнининг барча таркибий қисмлари мавжуд бўлади. Ҳар бир модуль учун аудитория юкламаси, талабаларнинг мустақил ишлари, курс ишлари, жорий, оралиқ ва якуний назоратлар, шунингдек, амалиётлар, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари, битирув малакавий ишнинг бобларини ёзиш ва ҳоказолар тақсимланган бўлади. Шу тарзда муайян даражани бериш учун расмий равишда тан олинадиган, модулларнинг йифиндисидан иборат бўлган таълим дастури шакллантирилади.

Фаннинг кичик бир қисми, дидактик бирлиги ҳам тор маънода модуль деб қабул қилиниши мумкин. Фаннинг бир семестр давомида ўқитиладиган курсининг мантиқий жихатдан тугалланган (бўлим, боб, мавзу) ва белгиланган назорат тури билан якунланадиган қисми ўқув фанининг модули бўлиши мумкин.

Модулли-компетентли ёндашув асосида таълим дастурлари мазмунини

лойиҳалаштириш технологияси қуидаги кўринишга эга бўлади:

- 1) иш берувчилар билан ҳамкорликда муайян таълим йўналиши бўйича тайёрланадиган мутахассиснинг асосий функциялари рўйхати белгилаб олинади;
- 2) белгиланган функцияларни амалга ошириш учун зарур ва етарли бўлган маҳсус касбий компетенцияларнинг тўплами аниқланади;
- 3) назарий билимларига таянган ҳолда талаба ҳал қила олиши керак бўлган амалий ҳаракатлар ва бажариладиган ишларнинг намунавий асоси сифатидаги типик касбий вазифалар, муаммолар ва вазиятлар тўплами лойиҳалаштирилади;
- 4) таълимнинг мақсадлари, мазмуни, ўзлаштириш усуллари ва ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш йўлларини ўз ичига олган таълим модуллари тизими ишлаб чиқилади;
- 5) таълим модулларининг муайян тўпламидан асосий таълим дастурлари лойиҳалаштирилади;
- 6) маҳсус касбий компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва уларни баҳолаш усуллари ишлаб чиқилади.

Таълим модули – таълим мақсадлари ва мазмунини белгилашнинг автоном бирлиги бўлиб, уларни ўзлаштириш ва назорат қилиш бўйича тавсияларни ўз ичига олади ҳамда бир ёки бир нечта компетенцияни ёки бирор мураккаб компетенциянинг бир қисмини шакллантиришни таъминлайди.

Шундай қилиб таълим модули тузилмасига қуидагилар киради:

- а) таълим мақсадлари ва уларга эришишнинг объектив мезонлари ва кўрсаткичлари;
- б) битта ёки бир нечта компетенцияни ёки бирор мураккаб компетенциянинг бир қисмини шакллантиришни таъминлайдиган таълим мазмуни;
- в) мақсад ва мазмунга мос келадиган педагогик технологияларни танлаш орқали таълим модули мазмунини ўзлаштириш бўйича услубий кўрсатмалар;
- г) таълим модулини ўзлаштириш воситалари, методлари ва назорат қилиш усуллари.

Таълим модулли тизимининг мослашувчанлиги ва вариативлиги айниқса, ҳозирги даврда долзарб бўлмоқда, чунки бозор иқтисодиёти шароитида ишчи ўринларнинг доимий сифатли ва миқдорий ўзгаришлари кузатиб турилади. Касбларга ўргатиш модулли тизимининг моҳияти – талabalарнинг бирин-кетин таълим бирликлари модулларини ўзлаштиришдан иборатдир. Бу ҳолатда таълим оловчи унга тақдим этилган дастур билан мустақил равишда ишлаши мумкин. Таълим оловчи ўзига аниқ бир мақсадни, ахборот техника базаси ва дидактик мақсадларга эришиш бўйича услубий кўрсатмаларни белгилаб олади.

Компетентли ёндашувга асосланган таълим имкониятларини ишга солиш ва самарали қўллашда таълимнинг модулли тизимларини жорий қилиш яхши

самаралар беради, натижада бўлажак ўқитувчининг махсус касбий компетенцияларини муваффақиятли шакллантириш ва жамият олдига қўйилган мақсадларга мувофиқ равишда замонавий рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш учун замин яратилади.

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун дастлаб “креативлик” тушунчасининг маънони тушуниб олиш талаб этилади. Кен Робинсоннинг фикрига қўра, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуи” саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Эмебайл (1989 й.)нинг ёндашуви нуқтаи назаридан ифодаланса, креативлик “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юқори даражада ноодатий кўникмаларга ҳам эга бўлиш” демакдир.

Кўплаб тадқиқотларда интеллект ва креативлик ўртасидаги алоқадорлик хусусида турлича қарашлар мавжуд. Бир гурух тадқиқотчилар улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эканлигини уқтирасалар, иккинчи гурух вакиллари кретивлик ва интеллект даражаси бир-бирига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар (Ким, 2005 й.).

“Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил-мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993 й.; Штернберг, 1985 й.). Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар (Хуи, Стернберг, 2002 й.; Рудович, Хуи, 1997 й.; Рудович, Йуе, 2000 й.). Гарчи ғарблик ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлса-да, бироқ, ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгаликни юқори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012 й.).

Патти Драпеау нуқтаи назарига қўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. *Ҳар томонлама фикрлаши* талабалардан ўкув топшириқ, масала ва вазифаларини бажаришда қўплаб ғояларга таянишни талаб этиди. Бундан фарқли равишда *бир томонлама фикрлаши* эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва қўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этиди. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда

тұхталади (бир томонлама фикрлаш). Юқорида билдирилған фикрларга таянган ҳолда “креативлик” тушунчасини қўйидагича шарҳлаш мүмкин:


Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибиға кирувчи ижодий қобилияти

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, хис-туйгуларида, муайян фаолият турларыда намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради, “талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишини таъминлайди.

Хорижий мамлакатларда барча соҳаларнинг мутахассислари каби ўқитувчилар ҳам ўзларида креативлик сифатлари мавжудлиги ва унинг даражасини аниқлаб боради. Бунинг учун улар Е.П.Торренс томонидан 1987 йилда асосланган ва шахснинг креатив тафаккурга эгалигини аниқловчи тестдан ўтади. Мазкур тест шахс креативлиги ва унинг даражасини ижодий фаолиятни ташкил этишдаги фаоллик, тезкор фикрлаш, ўзига хос (оригинал)лик ва такомиллашганлик каби мезонлар бўйича баҳолаш имкониятини яратади. Ўқувчи томонидан тавсия этилган саволларга бериладиган жавоблар айнан мана шу тўртта мезонни қанотлантириши лозим¹.

Э.П.Торренс фикрича, “креативлик” тушунчаси негизида қўйидаги ёритилади:

- муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриши.
- фаразни текшириш ва ўзгартириш.
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш.
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик.



Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин².

¹ Ўша асар, 4-5-бетлар.


² Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 4.

Ўқитувчининг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этилаиган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида акс этади. Сўнгти йилларда ушбу ҳолат “педагогик креативлик” тушунчаси билан ифодаланмоқда.

Педагог томонидан ушбу шаклларда касбий фаолиятнинг самарали ташкил этилиши унинг креативлиги қай даражада эканлигига боғлиқ бўлади.

Педагогнинг креативлик потенциали унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шарти ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгаликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилияtlари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади. Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ.

Педагог креативлик потенциалига эга бўлиши учун касбий фаолиятида куйидагиларга эътиборини қаратиши зарур:



Ҳар бир педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи намоён эта олиши бевосита унинг креативлик қобилиятига эгалиги билан боғлиқ.


Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойdevор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи

ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши мухим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қиласр экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда хиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади.

Педагогнинг креатив потенциали қўйидаги таркибий асосларни ўз ичига олади (1-расм):



Педаголарнинг креативлик имкониятини аниқловчи мезонлар ва уларнинг даражалари

Касбий фаолият самарадорлигини баҳолашда педагогнинг ижодкорлиги – кратив потенциали даражасини баҳолаш мухим аҳамиятга эга.

Педагогнинг кративлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар қўйидагилар саналади (2-расм):



Ушбу мезонлар педагоглар креатив потенциалини уч даражада аниқлаш имконини беради (1-жадвал):

1-жадвал.
Педагог креатив потенциалининг муҳим даражалари

№	Даражалар	Даражада хусусиятлари
1.	Юқори	Мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари суради, креатив қобилиятга эгалигини изчил намойиш этиб боради, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчан.
2.	Ўрта	Баъзан у ёки бу ташаббусни илгари суради, креатив қобилиятга эгалиги мунтазам бўлмаса-да, аммо намоён бўлади, креатив жиҳатдан бир қадар фаол, изланувчан бўлишга интилади.
3.	Паст	Гарчи у етарлича асосланмаган бўлса-да, ташаббусни илгари суршга интилади, креатив қобилияти етарлича намоён бўлмайди, изланувчан бўлишга интилмайди.

Шундай қилиб, малака ошириш курсларида амалий машғулотлар жараёнида педагогларнинг креативлик имкониятларининг аниқ мезонлар асосида аниқлаш, даражада кўрсатичларини баҳолаш асосида бу борадаги ютуқ ва камчиликларни белгилаш, ютуқларни бойитиш, камчиликларни бартараф этиш чоратадбирларини белгилаш мумкин бўлади.

1.3. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Педагогик соҳасида меҳнат қилаётган ҳозирги замон ўқитувчини асосли таърифлашлардан бири унинг лойиҳавий фаолиятга нисбатан қобилиятидир. Лойиҳавий фаолият янгиланиш даражасига оидdir, чунки у борлиқни ўзгартиради, тегишли технология негизида қуриладики, уни ўзгартириш, ўзлаштириш ва такомиллаштириш мумкин. Лойиҳалаш асосларини ўзлаштириш долзарб, чунки, биринчидан, мазкур технология таълим тизимини ташкил

қилишнинг барча босқичларида кенг қўлланишга эга. Иккинчидан, ижтимоий маданият лойиҳалаш мантифи ва технологиясини билиш, таҳлилий, ташкилий бошқариш вазифаларини самарали амалга оширишга имкон беради. Учинчидан, лойиҳавий технологиялар мутахассиснинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Талабаларга таълим ва тарбия беришнинг муваффақиятлилиги ва натижага эгалиги педагог томонидан лойиҳавий фаолиятни қанчалик ўзлаштириб олганлигига боғлиқ, чунки бу фаолият вазиятга қараб технологик ечимларни такомиллаштиришга қодир, янги таълим ёндашувлари ва усулларини ишлаб чиқариш қобилиятини ривожлантиради.

Лойиҳавий фаолият, В.С. Безрукованинг фикрича, “таълим олувчилик ва педагогларнинг бўлажак фаолиятларининг асосий қисмларини биринчи галда ишлаб чиқишдан иборат”. Ҳар қандай лойиҳалаш обьектининг, бу педагогик тизимми, педагогик жараёнми, педагогик вазиятми, унинг асосий қисми – унинг иштирокчиларининг фаолияти ҳисобланади. Шунинг учун, биринчи навбатда, ўқитувчи ва таълим олувчининг фаолияти лойиҳалаштирилади. Лойиҳалаш исталган педагогнинг (ташкилотчилик, билиш ва муомала қила олиш билан бир қаторда) вазифасидир, мактабда ўқув-тарбия жараёнини технологиялаштиришга имкон яратади. Муаллиф яна педагогнинг лойиҳавий фаолияти билан педагогик технология ўртасидаги ўзаро боғланишни алоҳида таъкидлайди: “loyiҳalash жараёнида ва у орқали педагогик жараён иштирокчиларининг ривожланишини таъминлайдиган педагогик технология ишлаб чиқилади”. Биз технология лойиҳалаш маҳсулидир, деган фикрга қўшиламиз.

Лойиҳавий фаолиятнинг таркибий асослари қуйидагилардир:

- 1) муаммо таҳлили;
- 2) мақсаднинг қўйилиши;
- 3) унга эришиш учун восита танлаш;
- 4) ахборотни излаш ва қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- 6) олинган натижаларни баҳолаш ва хulosалар.

Предметли фаолият уч қисмдан ташкил топади:

- 1) предметли;
- 2) фаолиятли;
- 3) мулоқатли.

Лойиҳавий фаолият ривожлантирувчи таълим услубларидан бири бўлиб, мустақил тадқиқотчилик кўникмасини ҳосил қилишга йўналтирилади (муаммонинг қўйиш, ахборотларни тўплаш ва уни қайта ишлаш, тажрибасиновлар ўтказиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш) ва ижодий қобилият ва мантикий фикрлашнинг ривожланишига олиб келади, таълим жараёнида олинган билимларни бирлаштиради, ҳаётий муҳим муаммоларни моҳиятини тушунишга

ёрдам беради.

Лойиҳавий фаолиятдан кутилаётган мақсад таълим олувчилар томонидан турли ўқув фанларини ўрганиш даврида мужассамлашган билим, маҳорат ва кўнижмаларни тушуниш ва қўллай олишдан иборат. Педагогнинг лойиҳалаш фаолиятидан кузатилган мақсад:

- режалаштиришга ўргатиш (педагог мақсадни аниқлай олиши, иш давомида кўйилган мақсадга эришишнинг асосий босқичларини ифода эта олиши);
- ахборот материалларни йифиш ва уни қайта ишлаш кўнижмасини шакллантириш (педагог керакли ахборотни танлай олиши ва ундан тўғри фойдалана олиши лозим);
- таҳлил қила олиш кўнижмаси (ижодий ва танқидий тафаккур);
- ёзма ҳисобот туза олиш кўнижмаси (иш режасини туза олиши, ахборотларни аниқ тақдимот этиш, изоҳларни расмийлаштириш, зарурий адабиётлар (библиография) ҳақида тушунчага эга бўлиш);
- ишга ижобий муносабатда бўлишни шакллантириш (педагог ташаббус кўрсатиши, ишни белгиланган иш режаси ва тартиби бўйича ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилиши керак).

Россиялик олим Г.Е.Муравьеванинг фикрича, педагог томонидан лойиҳалаш фаолиятни юқори даражада ўзлаштирганлигини олдиндан айта олиш, режалаштириш, туза олиш ва моделлаштириш кўнижмаларини шаклланганлик даражаси белгилайди. Бу тушунчаларнинг ва уларнинг мазмунини алоҳида қараб чиқамиз. Тадқиқотимиз обьекти лойиҳалаш фаолияти бўлиб, у олдиндан айта олиш фаолияти билан жипс алоқада бўлади, шунга кўра башорат қилишни (олдиндан айта олишни) батафсилроқ қараб чиқилади. Дастлабки тушунча – башорат қилиш.

Башорат қилиш – келажакда бирон-бир воқеа-натижасини олдиндан кўрмоқ, олдиндан айтиб бермоқ. Дидактик башорат қилиш – дидактик воқеалар ривож топишини илмий тарзда олдиндан кўра олиш жараёни тушунилади.

Башорат қилиш лойиҳадан фарқли равишда ўзгармас мазмунга эга. Башорат қилувчи моделлар асосида таълим жараёнини жадаллаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқилади. Дидактик башорат қилиш, шунингдек, педагогнинг ўқитиш фаолиятини режалаштиришга асос сифатида намоён бўлади. Башоратлашнинг оддий услубиёти тадқиқотнинг қўйидаги асосий босқичларини ўз ичига олади: “башоратлашдан олдинги мўлжал (объект, предмет, муаммо, мақсадлар, вазифалар, илгари кетиш вақти, ишчи фаразлар, усувлар, тадқиқот таркиби ва ташкил этишни аниқлаш); башоратлаш муҳити (объект ривожланишига таъсир этувчи, башоратлашнинг ихтисослашмаган, қўшни тармоқлари бўйича маълумотларни тўплаш); дастлабки модел, яъни обьект характери ва таркибини

ёритувчи кўрсаткичлар, ўлчамлар тизими маълумотларини тўплаш; излаш башорати (дастлабки моделнинг келажакдаги лойиҳаси, бунда башорат муҳити омилларини эътиборга олган ҳолда кузатиладиган ҳолатлар бўйича ҳал қилиниши талаб этиладиган келажакдаги муаммолар аниқланади); меъёрий (берилган кўрсаткичлар бўйича кўрсатилган мақсад ва меъёрларга мувофиқ бўлган келажакдаги дастлабки модел лойиҳаси); ишончлилик даражасини баҳолаш ва башоратловчи моделларни аниқлаш, одатда, холис мутахассислардан сўраш йўли билан; башоратловчи моделларни таққослаш асосида ечимларни ихчамлаштириш учун тавсиялар тайёрлаш”. Башоратлаш – объект ҳақида олдин бўлган маълумотларни олиш жараёни, илмий асосда олдиндан асослаштирилган ҳолатлар ва усуллар (Б.С.Гершунский). Башоратлаш бирор-бир ҳолат, жараён мавжуд ёки унинг вужудга келиши учун шарт-шароит бор деб олади. Лойиҳалаш жараёни эса келажакдаги, яъни, ҳали мавжуд бўлмаган объект лойиҳасини тайёрлашдан иборат. Лойиҳалаш башорат қилиш қисмини ўз ичига олади ёки мавжуд башоратга таянади.

Иккинчи тушунча – режалаштириш.

Режалаштириш – бирор нарсанинг режаси ёки лойиҳасини солиштириш бўлиб, режа – “умумий мақсадга бирлашган амалга оширилиши учун дастлаб бир қанча олдиндан уйлаб қўйилган ҳаракатлар, тадбирларни бажариш талаб этиладиган ният, лойиҳа, топшириқдир”

Кўпинча режалаштириш ва лойиҳалаш синонимлар тарзида фойдаланилади. Режа ва лойиҳани тузиш мақсади нуқтаи назаридан, ҳақиқатда фарқ йўқ. Режа ҳам, лойиҳа ҳам келгуси аниқ воқеликни ёритади ва уни амалга ошириш учун тузилади. Лекин, фикримизча, лойиҳалаш режалаштиришга қараганда кенгроқ тушунчага эга. Режалаштириш аниқ ҳаракат, уларнинг таркибини белгилаш билан боғлиқ, яъни, келажакнинг ўзгарувчан ташкил этувчиси бўлган фаолиятдан иборат. Лойиҳалашда келажакдаги нарса ёки жараёнлар тамойилларга таянган ҳолда асосланади ва тавсифланади, уни амалга ошириш усули намоён этилади. Режа эса ўйлаб қўйилганларни амалга ошириш юзасидан ҳаракатлар тизимини акс этади.

Педагогнинг касбий фаолиятида режалаштириш кенг ўрин эгаллайди. Режалаштириш жараёнида педагог олдида турган фаолиятга диққат билан иш тутади, мазмунини педагогик жиҳатдан қайта ишлаб чиқади. Уни ташкил этишининг самарали, маҳсулдорроқ шакллари ва услубларини излайди. У унинг таркибини аниқлайди, унинг айрим қисмлари орасидаги боғланишни, айрим қисмлари орасидаги ўзаро боғланишларни аниқлайди, уларни бирлаштириш ва ўзаро таъсирининг нисбатан маҳсулли шакллари ва усулларини излайди ва х.к., яъни ишнинг маҳсулдор, унумли тизимини шакллантиради.

Россиялик олим И.П.Раченко режалаштиришни кўздан кечиришнинг бир неча томонини ажратади. Ижтимоий нуқтаи назардан педагогик фаолиятни режалаштириш – шахс, жамоанинг ривож топишига бир бутун ёндошувни лойиҳалашдан иборат. Режалаштиришнинг иқтисодий томони – фаолият натижаси самарадорлигини таъминлашдир. Психологик нуқтаи назардан режа мияда ҳаракатлар қонуний кетма-кетлигини аниқловчи шажаравий тузилган жараёндир. Муаллиф фикрича режа тузиш – ишни лойиҳалаштиришдир.

Режа ишнинг аниқ бир тизимиdir, бундай тизимларни лойиҳалаш эса режалаштиришнинг асосини ташкил этиши лозим. Бу ҳолда тизимларни лойиҳалаш – ўқув-тарбия масалаларининг жадал, унумли психологик-педагогик ечимини излашдан иборат. И.П.Раченко педагогик фаолиятни режалаштиришга қуидагиларни киритади:

- а) педагог олдида турган асосий мақсад нуқтаи назаридан педагогик ҳолатни баҳолаш;
- б) олдиндан асосли тарзда айта олиш, ишнинг бориши ва натижаларини олдиндан кўриш, шунга боғлиқ тарзда унинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- в) зарурий чора-тадбирлар, ҳаракатлар кетма-кетлиги дастурини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш учун энг унумли услублар, усуллар ва жиҳозларни танлаш;
- г) ишни вақт бўйича ҳисоб-китобини қилиш, унинг бошланиши ва охирини белгилаш;
- е) ҳисобга олиш ва назорат шакллари ва услубарини белгилаш.

И.П.Раченко кейинги ишларида режалаштириш жараёнини қуидагича изоҳлайди:

- а) мақсад ва вазифаларни шакллантириш;
- б) кетма-кет ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш;
- в) фаолият жараёни ва натижалари жараёнини вақти ҳисобини назорат қилиш.

Аммо, педагогик адабиётда бу жараёнларга нисбатан қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, В.И.Загвязинский исталган киши, шу жумладан, педагогик фаолиятда қуидаги даврларни ажратади:

- эришилган дастлабки ҳолат, бошланғич вазиятлар таҳлили;
- ташхислаш йўналишларини аниқлаш;
- башорат қилиш ва олдиндан айтиш;
- мақсад ва асосий вазифаларни аниқлашни ўз ичига олган мақсадга йўналганлик;
- ўзига хусусий масалалар на уларни ечишнинг асосий босқичларни ўз ичига олган режалаштириш.

Бунга қараганда, лойиҳалаш режалаштиришдан кейин келади ва режани аниқлаштиришдан иборат. Бизнинг нуқтаи назаримизда И.П.Раченко фикрларига нисбатан бу қарашиб аниқроқдир, чунки, шахс ўз фаолиятини режалаштириш учун келажакдаги таълим жараёни дастури ёки лойиҳаси бўлиши керак.

Россиялик олим П.Е.Решетников томонидан тайёрланган педагогик фаолиятни режалаштириш усуллари қизиқарлидир:

- 1) дастурий-мақсадли;
- 2) мажмуавий-тадбирий;
- 3) тизимли-технологик.

Дастурий-мақсадли режалаштиришда фаолиятнинг якуний ва оралиқ мақсадлари лойиҳаланади ва тавсифланади, режа, якуний хужжат шакли сифатида иш дастури хизмат қиласи. Мажмуавий-тадбирий режалаштиришда қуйидагилар лойиҳалаштирилади:

- а) энг муҳим масалалар, уларни ечиш учун йўналтирилади;
- б) ишнинг мажмуа шаклига эга бўлган айрим йўналишлари бўйича тадбирлар;
- в) бажариш муддатлари;
- г) бажарилиши учун масъуллар;
- д) назорат қилиш шакллари ва бажарувчилар;
- е) курс мавзуларини ўрганиш кетма-кетлиги;
- ж) дарснинг асосий босқичлари, унинг жиҳозланиши, ўқувчиларга бериладиган вазифалар.

Режа шакли: тадбир, дарс ва бошқаларнинг аниқ режаси.

Тизимли-технологик режалаштиришда қуйидагилар лойиҳаланади:

- а) таълим муассасасининг таълим фаолияти ёки ривожланиши тўғрисидаги ва тажриба-синовларнинг етакчи гоялари;
- б) ўқув режаси;
- в) талабалар томонидан касбий тажрибани ўзлаштиришни таъминловчи ўқув ва касбий масалаларининг ишлаб чиқарилиши;
- г) ўқув жараёнининг тартиби;
- д) ўқув фанлари бўйича дастурлар;
- е) ҳар қайси алоҳида ўқув курсини ўрганиш технологияси;
- ж) ҳар қайси алоҳида курсни ўтказиш технологияси;
- з) иш унуми мезонлари ва қўрсаткичлари тизими ва мутахассис касбий-шахсий ривожланишини ташҳислаш технологияси;
- и) оралиқ ва якуний назоратлар ўтказиш технологияси;
- к) моддий, молиявий, кадрлар билан таъминлаш юзасидан олиб бориладиган ишлар;

л) педагогик жамоани ривожланиш жараёнидаги таълимий масала-ларни ҳал қилишга тайёрлаш бўйича ишларнинг шакли; муассасанинг таъли-мий дастурлари.

Учинчи тушунча моделлаштириш.

Моделлаштириш – “билиш объектларини уларнинг моделларида тадқиқ қилиш услуби; аниқ мавжуд предметлар, воқеалар ва тузиладиган объектларнинг тавсифномаларини аниқлаш ёки яхшилаш, уларни ясаш усулларини қулиялаштириш, бошқариш кабилар учун ясаш ва ўрганиш”.

Модел – табиий ёки ижтимоий борлик муайян кўринишнинг, инсон маданияти, ғоявий-назарий таълим маҳсулининг, аслининг ўхшатмаси (чизмаси, таркиби, белгилари тизими). Бу ўхшатма асл бўлиб, унинг хоссалари ва тузилиши, уни ўзгартириш ёки бошқариш ҳақидаги билимларни (маълумотни) сақлаш ва кенгайтириш учун хизмат қиласи. Модел - бу аслни билиш ва бошқаришдаги “вакили”, “ўринбосари”дир. Муайян шартларда нусхани тайёрлаш ва тадқиқ қилиш натижалари асл нусхага ўтказилади. Модел тушунтириш, олдиндан айтиш, топилмали воситаси сифатида, доимо билишга оид ролни бажаради.

Моделнинг лойихадан биринчи фарқи – уни тузиш мақсадидир. Модел нарса, ҳодисани ўрганиш, маълумот (ахборот) олиш, унинг қирраларини ўрганиш учун, шунингдек, уни ўзгартириш ва бошқариш учун фойдаланилади. Лойиха эса нарсани тузиш, борликқа мужассамлаштиришда ишлатилади ва юқорида кўрсатилганидек, билишга оид вазифани бажаради.

Моделнинг бошқа ўзига хос хусусияти, юқорида келтирилган таърифга кўра, у аниқ мавжуд аслни «ифодалайди», «алмаштиради», лойиха эса ҳали мавжуд бўлмаган нарсаларни тавсифлайди. Модел – борлик қисмининг ўхшатмаси; уни тузишида мухим бўлмаган ҳолатлардан четланилади, фақат бош асосий қисмлар ва тавсифномалар қайд этилади. Модел – хаёлий тузилма. Лойихада, аксинча, келажакдаги нарса ва жараёнлар тўғрисида, шартлар эътиборга олинган ҳолда, аниқ тасаввур аксланади.

Биз берган моделлаштириш тушунчаси таърифида ҳали мавжуд бўлмаган объектлар ҳам бўлиши мумкин. Бунда лойихалаш ва моделлаштириш тушунчалари ўзаро кесишадилар. Лекин, уларни ажратиш мумкин. Ясалаётган нарса модели бевосита нарсанинг ўзига мужассамланмайди, лекин жараённинг бу энг бошида содир бўлиши мумкин. Моделлаш, шунингдек берилган шартларда маҳсус уюштирилган таъсир натижасида объектда вужудга келиши мумкин бўлган ҳолат ҳақида янги маълумот олишга имкон беради, яъни, башоратлаш вазифасини бажаради. Моделлаш башорат қилиш услуби сифатида таълим жараёнида ўрганиладиган нарсанинг ахборотли моделини ясаш билан боғланган бўлади. Бу мўлжалланган чизиклар деб аталадиганлар кўринишида ясалган

мантиқий чизмалар (у қайси тушунчалар ва таърифлардан қайсилари томон ҳаракат қилишни кўрсатади), мазмуннинг асосий ҳолатларини ёритувчи турли рамзлар ёки мавзуни ўрганишнинг аниқ режаси бўлиши мумкин.

Педагог ва талабаларнинг фаолияти, усуллар билан тўлдирилган ахборотли фаолият моделига, жараёнли моделга айланади. Педагог талабалардаги ва янги маълумотни, мавжуд ва зарур бўладиган одат ва кўникмаларни, боодобликликнинг аниқ ва зарурий даражасини ўзаро солиштиради ва фаразий тарзда талаба учраши мумкин бўладиган қийинчиликларни аниқлайди. Фаразга асосланиб, у муаммонинг ечилишини, бўлиши мумкин бўлган хатоликларни, мақсадга мувофиқ бўлган ёки бўлмаган ҳаракатларни олдиндан кўради, фаолиятнинг муваффакиятли бўлишини таъминловчи воситаларни танлайди, яъни, хаёлан тажрибалар ўтказади. Бунинг учун хаёлий тажрибага яна битта шарт киритилиши лозим - талабаларни фаолиятга ундовчи шартларнинг ҳолати ва кучини, уларнинг қизиқишлигини, ўз-ўзларини тарбиялашга истаклари борлигини назарда тутиш, зарур бўлса, интилишиларини ривожлантириш чорасини кўриш лозим.

Педагогнинг юқорида тавсифланган ҳаракатлари, айнан фикран синааб кўриши, лойиҳалаш фаолиятига киритилиши мумкин, яъни моделлаштириш лойиҳалашнинг бир қисми бўлади. Дидактикада моделлаштиришни билиш учун педагогнинг лойиҳалаш фаолиятини аниқлаш лозимдир.

Лойиҳалашнинг тўртинчи босқичи – тузиш-қуриш.

Тузиш-қуриш (конструкциялаш) – “бирор-бир қурилиш, иншоот, қурилма қисмларининг таркиби ва ўзаро жойлашуви, шундай тузилишили қурилиш, иншоот, машинанинг ўзи”

Тузиш-қуришда бирор-бир объектнинг таркиби бош тушунча бўлиб, тузувчилик фаолияти лойиҳалаш фаолиятидан фарқли равища, хаёлий ва амалий (буюмли тузувчилик) фаолият бўлиши мумкин, хаёлий тузувчилик мазмуни бўйича лойиҳалашга яқин ва унинг ўхшаши сифатида кўплаб ишлатилади. Лекин, бизнинг фикримизча, тузиш лойиҳалашга нисбатан тор маънодаги тушунча, чунки, у яратилаётган объектнинг сиртқи томонини акслантиради, лойиҳалаш эса ички, ўзгарувчан ва бошқа ташкил этувчиларни ўз ичига олади.

Педагогик қомусий луғатда тузиш-қуриш таърифи қуийдагича келтирилган: «Тузиш-қуриш (конструкциялаш) – лойиҳалар ва ҳисоблашларни бажариш йўли билан модел, машина, иншоот, технологияни ясаш жараёнидир». Келтирилган таърифга кўра тузиш-қуриш объектлари сифатида нафақат қурилишлар, иншоотлар, машиналар, қурилмалар, балки, моделлар ва технологиялар хам намоён бўлиши мумкин. Бунда белгили, рамзли мавҳум эмас, балки моддий, нарсали моделлар кўзда тутилади. Технологиялар ҳақида эса, «технологияларни

лойиҳалаш» сўз бирикмаси ўринлироқ, чунки технология жараён сифатида вақтингчалик, ўзгарувчан ташкил этувчига эга, қурилмалар эса тузиш маҳсулни тарзида фақат ўзгармас тавсифномага эга. Бундан ташқари, кўрсатилган таърифда тузиш лойиҳалашни ўз ичига олади. Айрим муаллифлар (масалан, Я.Дитрих) тузишни лойиҳалаш натижасига таянадиган фаолият тариқасида қарайдилар, ва «лойиҳавий - конструкторлик жараёни» атамасини ишлатади. В.С.Безрукова педагогик тузишни бир вақтда лойиҳалашнинг босқичи сифатида ва тузилган лойиҳани кейинги деталлаштирилишини батафсил аниқлаш сифатида қарайди. Бизнинг нуқтаи назаримиздан лойиҳалаш тузишни ўз ичига олади, уни ўқув фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг яратилиши сифатида қараш мумкин.

Маъноси бўйича лойиҳалашга яқин бўлган моделлаш, башорат қилиш, режалаш, ўқув ва ўқитиш фаолиятини тузиш тушунчаларининг таҳлили, уларнинг умунийлиги ва фарқини аниқлаш таълим жараёнини лойиҳалаш маъноси ҳақида бир қатор хulosалар чиқаришга имкон беради.

Педагогик жараённи лойиҳалаш – педагогнинг табиий ва ижтимоий қонуниятларни назарда тутилган ҳолда маълум бир вақт бирлиги ичида талабаларни мақсадга мувофиқ ҳолда ривожлантиришнинг келажакдаги жараёни ва натижаси ўрин оладиган касбий фаолиятининг бир кўринишидир.

Бўлажак таълим жараёнини лойиҳаси лойиҳалашнинг маҳсулидан иборат. Лойиҳалаш моделлашдан тузиш мақсади бўйича фарқ қиласди. Лойиҳа лойиҳаланаётган обьектни борлиқقا мужассамлаштиришдан иборат; модел - обьектни тадқиқ қилиш учун, дастлаб модел, сўнгра унинг асосида лойиҳа ишлаб чиқилса, моделлаш лойиҳалашнинг таркибий қисми бўлиши мумкин.

Лойиҳалаш башорат қилиш тушунчаси билан узвий боғланган. Уларнинг умунийлиги шундаки, лойиҳа ва башорат келажакдаги дидактик ҳодисалар ҳақида тушунча беради. Лекин, лойиҳадан фарқли равишда башоратлар эҳтимолий мазмунга эга ва у ёки бу дидактик жараённинг ривожланиш натижаларини олдиндан кўра олади. Лойиҳа эса бу жараёнларни қайтадан тузади. Лойиҳалаш ўз таркибига башорат қилиш қисмини киритиши мумкин. Агар талабанинг ўқув-билиш фаолият режаси ҳақида гап борса, ва шу жараён давом эттирилса, режалаштириш лойиҳани амалга ошириши таркибига киради.

Тузиш-қуриш ҳам таълим жараёнини лойиҳалаш таркибига киради. Фикримизча, у технологик жараённи амалга ошириш учун моддий воситаларни тузишдан иборат. Лойиҳалаш у ёки бу даражада келажакдаги таълим жараёнини моделлаштириш, башорат қилиш, режалаштириш, тузиш-қуриш қисмларини ўз ичига олади. Таълим жараёнини лойиҳалаш – мураккаб фаолият бўлиб, педагогдан амалий, дидактик, услубийметодологик, буюмли ва бошқа

билимларнинг тизимини талаб қиласи, чунки, у хаёлий даражада ҳақиқий таълим жараёнини ёритиб беради.

Назорат саволлари

1. Педагогнинг касбий профессионаллиги?
2. Ўқитувчининг профессионаллик даражаси қандай омиллар билан бевосита боғлиқ
3. Педагогик жараённи лойиҳалаш қандай амалга оширилади.
4. Педагогик техниканинг асосий таркибий кисмлари нималардан иборат.
5. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), махсус (hard skills) компетенциялар мазмуни баён қилинг.
6. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувларга мисоллар келтиринг.
7. Педагогнинг креатив потенциалининг таркибий асослариги очиқланг.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар қунига бағишлиган тантанали маросимдаги нутқи “Ўқитувчи ва мураббийлар-янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва

суюнчимиздир”. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 1 октябрь, №207 (7709).

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль, “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарори.

11. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с.

12. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

13. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дисс... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.

14. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Т.: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

15. Иноятов У.И. ва бошқ. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.-Т.: ТДПУ – 2013. – 256 б.

16. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

17. Макарова.Н.С. Дидактика высшей школы. монография/ Н. С. Макарова, Н. А. Дука, Н. В. Чекалева. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2019 - 172 с.

18. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

19. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

20. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО УрФУ, 2017. – 128 с.

21. Савельева С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе вуза: монография. – Воскресенск, 2012. – 218 с.

Интернет сайтлар

22. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

23. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

24. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

25. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET

26. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

27. <http://tmetod.uz> – ТДПУ хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

2-МАВЗУ: ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ.

Режа:

1. Ўқув машғулотларининг замонавий турлари асосида (лойиха, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш.
2. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш.
3. Креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишининг замонавий шакллари.

Таянч тушунчалар: таълимнинг ташкилий шакли, синф-дарс тизими, лойиха, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат, мустақил таълим, интерфаол методлар.

2.1. Ўқув машғулотларининг замонавий турлари асосида (лойиха, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш.

Таълим-тарбия жараёни иштирокчилари (ўқитувчи ва таълим оловчилар)нинг маълум белгиланган тартибда амалга ошириладиган ҳамкорликдаги фаолиятларининг ташқи кўриниши таълимнинг ташкилий шаклини англатади.

Кишилий жамиятининг тарихий тараққиёт даврида таълимнинг ташкилий шакллари турлича бўлган.

Қадимги пайтларда якка тартибда ўқитиш кенг тарқалган бўлиб, у маълум ижобий жиҳатларга эга бўлганлиги боис ҳозирги вақтгача сақланиб қолган. Ўрта асрга келиб, касбий таълим-тарбия кичик гурӯхлар шаклида ўтқазила бошлаган, чунки бу даврда саноат ишлаб чиқариши йўлга қўйилаётган давр эди.

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида чех педагоги Я.А. Коменский синф-дарс тизими мақбуллигини назарий жиҳатдан исботлаб берди. Шу пайтгача бу тизимдан кенг қўламда фойдаланилиб келинмоқда, лекин унга муқобил тизим яратилганича йўқ.

Амалиётда 80 ундан ортиқ фоиз миқдордаги таълим-тарбия ишлари, яъни машғулотлар синф-дарс тарзида амалга оширилганлиги сабабли дарс – таълим-тарбия ишининг асосий шакли деб юритилади.

Ижтимоий талаблар, таълимнинг мақсад ва вазифалари, таълим оловчиларнинг талаб ҳамда эҳтиёжлари, таълим-тарбия қонуниятлари, принциплари кабиларга кўра дарсларга қўйидаги талаблар қўйилади:

- фан-техника ва ишлаб чиқариш технологияларининг сўнгги ютуқлари,

илғор, педагогик тажрибалардан имкон қадар фойдаланиш, таълим-тарбия қонуниятларига асосланиб дарс тузилмасини мақбуллаштириш;

- дарсда барча дидактик принципларнинг мақбул нисбати ва уйғунлигини таъминлаш;

- таълим олувчиларнинг қизиқиши, эҳтиёжлари, мойиллигини ҳисобга олган ҳолда фаол, маҳсулли ўқув-билиш фаолиятига шарт-шароит яратиш;

- ўқув материалынинг мукаммал ўзлаштирилиши учун фанлараро алоқадорликка амал қилиш;

- таълим олувчилар томонидан илгари ўзлаштирилган билимлар ва уларнинг ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда иш кўриш;

- таълим олувчиларнинг барча ижобий жиҳатларини рағбатлантириш, ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш йўли билан таълим олувчилар шахсини ривожлантиришга эришиш;

- дарснинг барча босқичларида мантиқий ва эмоционал ҳис-туйғуларга асосланиш;

- дидактик материаллар ва воситалардан самарали фойдаланиш;

- назарий материални амалиёт билан узвий боғлаб ўрганиш;

- зарурый билим, хатти-ҳаракат усуллари, оқилона фикрлаш ва амалий фаолият кўрсатиш усулларини таркиб топдириш;

- таълим олувчиларда мунтазам ва узлуксиз равища ўқиб-ўрганиш ўзининг билим ва касбий маҳоратини ошира бориш эҳтиёжини шакллантириш;

- дарсларни мукаммал режалаштириш натижаларини олдиндан башорат қилиш, ташҳислаш ва шу кабилар.

Педагогикада замонавий дарслар бир-бири билан узвий боғлиқ: таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни уйғунлаштириш бу соҳада аниқ мақсадларни белгилаб олишни талаб этади.

Дарсларга қўйиладиган дидактик талаблар қўйидагича.



- 1 хар бир дарснинг вазифаларини аниқ белгилаб олиш.
- 2 ижтимоий талаб ва таълим олувчиларнинг эҳтиёжлари, шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини мақбуллаштириш.
- 3 самарали педагогик технологиялар асосида таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш.
- 4 таълимнинг тури шакл, метод ва воситаларининг оқилона уйғунлигини таъминлаш.
- 5 дарс тузилмасини ижодий ёндошган ҳолда шакллантириш.
- 6 таълим олувчиларнинг тури ўқув-билиш фаолиятларини уйғунлаштириш.
- 7 таълим жараёни иштирокчилари орасида тезкор тескари алоқани таъминлаш, таъсирчан бошқарув механизмини ишлатиш.
- 8 дарсларни илмий-услубий асосда ташкил этиш.




Ривожлантирувчи талаблар:



Бундан ташқари таълим методикасида ташкилий, психологик, бошқарувчилик, мақбул мулоқот ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш, санитария-гигиеник, ахлоқий каби талаблар ҳам ҳисобга олинади.

Ўқитувчи ўзи ўқитадиган ўкув предмети бўйича машғулотларни муваффакиятли ўтказиш учун уларга пухта тайёргарлик кўриши муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув машғулотларни ташкил этишнинг асосий шакллари³



Маълумки, замонавий таълим технологияларини жорий этиш маълум бир муаммоларни бартараф этишга хизмат қиласди. Жумладан, ҳозирги кунда таълим тизимида мавжуд бўлган дидактик тизимлар, кўпчилик ҳолатда дарс жараёнида маъруза қилиш, намойиш этиш, эшитиш ва ёзib олиш каби ўқитиш парадигмасига асосланган. Ушбу дидактик тизимда асосий вазифани тьютор бажаради, таълим оловчи эса кўпроқ пассив билим оловчи ҳисобланади. Бундай маъруза шаклида ўқитишда таълим оловчилар кўпинча тьютор томонидан дарс жараёнида биринчи марта айтилган маълумотларини тушунишга ҳаракат қиласди ва улар бу маълумотларнинг мазмун-моҳияти хақида чукурроқ ўйлашга улгурмайди ва тезкорлик билан тьюторнинг сўзларини ёзib олиш билан банд бўлади. Халқаро мутахассислардан бири К.Д.Мулдоров фикрича, тьютор маъруза шаклидаги дарсда ўқитишнинг дифференциал ёндашувини тўлиқ амалга ошира олмаслиги, ҳар бир таълим оловчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга ололмаслиги, ўқув материалларни ўзлаштиришининг тегишли суръатини таъминлай олмаслиги мумкин. Бу ҳолат ҳозирги кунда бутун дунёда муаммо сифатида қаралмоқда ва мазкур муаммони бартараф этиш учун таълим оловчиларнинг мустақил таълим олишини ташкил этишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Юқорида таъкидланган муаммоларнинг ечимини топиш ва илгари сурилган ғояларни амалга оширишга йўналтирилган замонавий ўқитиш

³ Ушбу ўқув материали А.Е.Ибраимов томонидан яратилган “Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими” номли қўлланмаси асосида тайёрланган. (Қаранг. А.Е.Ибраимов. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. – Тошкент: “Lesson press”, 2020, 112 бет.)

шаклларидан бири — **аралаш ўқитиши** (**Blended learning**) ҳисобланади.

Аралаш ўқитиши — замонавий таълим технологияси бўлиб, унинг асоси “синф-дарс тизими” билан электрон таълимнинг бирлашуви концепциясидан иборат. Бу электрон таълим, ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий ўкув воситалари тақдим қиласидан янги дидактик имкониятларга асосланади. Аралаш ўқитишининг кенг тарқалган усулларидан бири — бу “**Flipped Class**” педагогик технологияси асосида ўқитиши ҳисобланади.

“**Flipped Class**” инглизча сўз бўлиб, русчада — “Перевернутый класс”, ўзбекчада “Тескари дарс, синф”, “Ўрин алмаштирилган дарс, синф”, “Илгарилама дарс, синф”, “Олдиндан тайёрланиш дарси, синфи” маъноларига тўғри келади. Буларнинг орасидан ушбу педагогик технологиянинг хақиқий мазмун-моҳиятига энг яқин бўлган ном сифатида ўзбек тилида “Олдиндан тайёрланиш дарси, синфи” номини танлаш мумкин.

“**Flipped Class**” технологиясида ўкув жараёнининг асосий қисмлари бўлган дарс билан уйга вазифанинг ўрни алмаштирилиб, аввал уйга вазифани бажариш жараёнида видео, аудио ва бошқа интерфаол материаллар ўрганилади ва бўлажак дарсга тайёргарлик кўрилади, кейин дарсда мавзуу мазмунини амалда қўллаш масалалари кўрилади.

Таълим оловчи дарсгача бўлган вақтда исталган жой ва вақтда ўзига кулагай ҳолда ўрнашиб ўтириб, тьютор томонидан тақдим этилган видео, аудио ва бошқа интерфаол материалларни ўрганади. Барча фактлар ва номлар ихчам видеога бир неча минутга жойланган бўлади. Бунга аудиторияда мавзуни тушунтиришга кетадиган вақтдан камроқ вақт кетади. Чунки дарсда бўладиган турли ташкилий ишларга вақт сарфланмайди. Дарсдан олдин мустақил ўзлаштириш дарсдаги мавзуни янгидан тушунтиришга кетадиган вақтни тежайди ва ушбу бўшаб қолган вақтдан мавзуга тегишли муаммоларни ҳал қилишга, билимлар ва кўникмаларни амалда қуллашга ва таълим оловчилар билан янги ўкув маҳсулотлар яратишга йўналтирилади. Ушбу масалада соҳа мутахассисларидан бири бўлган М.Симонованинг фикрича, ушбу технология “дарсдан ташқарида мустақил ишлаш, дарсда вақтни тежашга ва тўғридан-тўғри дарсда ўкув материал мазмунини тушунишни чуқурлаштиришга ёрдам беради”.

“**Flipped Class**” атамаси нисбатан яқинда қўлланила бошланганига қарамай, унинг баъзи тамойиллари узоқ вақтдан бери тьюторлар томонидан қўлланилиб келинган. Жумладан, “**Flipped Class**” технологиясидан фойдаланиш бўйича дастлабки тажрибаларни **XX асрнинг 90-йиллари бошида АҚШнинг Гарвард университети профессори Эрик Мазур ўтказган**. У таълим оловчиларга янги тушунчалар ва атамалар билан танишиш орқали

дарсга тайёрланган ҳолда келишлари учун маъруза материаллари ва мақолалар берган. Дарс бошида эса Эрик Мазур кичик сўров ўтказган, унинг натижалари эса таълим оловчиларнинг ўқув материалларни қанчалик ўзлаштирганлиги бўйича тыюторга сигнал бўлган. Шу асосида дарс жараёнида қайси масалаларга алоҳида эътибор бериш кераклигини билиб олган ва кейин ўқув материалларни чукур ўрганиш ва муаммоларни ҳал қилиш кичик гурухларда амалга оширилган. Бу усулни қўллаш асосида ўтказилган назорат ишлари натижалари анъанавий ўқув услубига нисбатан юқори натижа кайд этган. Таълимнинг ушбу шакли АҚШда 2004 йилдан бошлаб ривожлантирилган (Woodland Park High School, Colorado).

“Flipped Class” номи билан биринчи бўлиб, 2007 йилда АҚШда икки нафар тыютор — Жонатан Бергман ва Аарон Сэмс томонидан амалиётда қўлланила бошланган. Улар ўз таълим оловчиларига босма материаллар эмас, балки уйда янги ўқув материалларини ўрганиш учун ишлатилиши мумкин бўлган видео дарсларни тарқатишган.

Бергман ва Сэмс ишлаган мактаб қишлоқда бўлганлигисабабли, таълим оловчилар дарсларни кўпроқ қолдириб юборадиган бўлишган. Дарс қолдирган таълим оловчиларнинг вақтини тежаш ва улар билан кўшимча дарслар ўтказмаслик учун дарсларни видеога ёзиб олиш ғояси пайдо бўлган. Таълим оловчилар дарс материалларини мустақил ўрганиш учун улар таклиф қилган ёндашувни катта қизиқиши билан қабул қилишган.

Шунингдек, 2011 йилда тадқиқотчи Энди Шэлл АҚШда Мичиган штатидаги “Clintondale High School” мактабида мазкур масала бўйича кенг тадқиқот ўтказган. Бунда 45 дақиқалик маърузанинг ҳаммасини конспектлашдан кўра давомийлиги 3-6 дақиқадан ортмайдиган видеороликлардан фойдаланиш яхши натижа бериши маълум бўлган.

“Flipped Class” педагогик технологияси замонавий компьютер технологиялари ва масофавий ўқитиш ҳамда Интернет тармоғи имкониятлари асосида янада ривожланган. Бундай формат дунёдаги таълим оловчилар ва тыюторлар учун маъқул бўлган ва улар ўз видеомаърузаларини ёзиб, таълим оловчилари ўрганишлари учун локал ва глобал тармоқларга жойлаштира бошлаган.

Буюк Британиянинг Очиқ университети мутахассислари бу соҳа дунёдаги таълим тизимининг ривожланишини тубдан ўзгартириши мумкин деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, халқаро эксперtlар ҳамжамияти яқин келажакда (5-7 йил) таълим жараёни ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатадиган асосий тенденцияларни аниқлади (The NMC Horizon Report: 2014 Higher Education Edition, New Media Consortium, “Educause”). Булар ўқув жараёнида

ва дарсдан ташқари машғулотларда электрон рақамли қурилмалардан фойдаланиш ва ҳар қандай мобил қурилмадан фойдаланган ҳолда турли ресурслар билан ишлаш (Bring Your Own Device) ҳамда “Flipped Class” технологияси, турли хил уйинлар ва геймификация шаклида ўқитиш (Game, Gamification) каби технологиялар ҳисобланниши таъкидланди.

Хозирги кунда “Flipped Class” технологиясини муваффақиятли қўллаш амалиёти Пеньсильвания штати Университетида (АҚШ) 1500 дан ортиқ таълим олувчилар иштирокида олиб борилмоқда.

“Flipped Class” технологиясини амалда қўллашда қўйидаги замонавий **таълим воситаларидан** фойдаланилади.

Подкаст (Podcast) — бу овозли файл (аудио маъруза) ҳисобланади. Таълим олувчилар подкастни ўзларининг стационар ёки мобиль қурилмалари асосида ёки маърузаларни онлайн режимида тинглашлари мумкин.

Водкаст (Vodcast — бу “video-on-demand”, яъни сўров бўйича видео маъносини билдиради) ҳам подкастга ўхшаш бўлиб, фарқи факат видеофайлларга эгалигидан иборат.

Пре-водкастинг (Pre-Vodcasting) — бу таълимий метод бўлиб, унда педагог томонидан таълим олувчилар келгуси ўрганиладиган машғулотгача аввалдан мавзу тўғрисида тасаввур олишлари учун ўз маърузаси билан бирга водкаст яратилади.

“Flipped Class”нинг асосий воситаси бу таълим олувчи дарсдан ташқари вактда мустақил равишда ўрганиладиган видео, аудио ва бошқа интерфаол материаллар ҳисобланади. Видео маърузалар кўпинча **асосий компонент** сифатида кўрилади.

Мавжуд айrim манбаларда “Flipped Class”нинг ягона модели ҳали мавжуд эмаслиги, бу технология таълим олувчиларнинг олдиндан ёзилган маърузаларни ўқиши, кўриши ва тинглашига асосланганлиги, кейинчалик бевосита таълим олувчилар ўртасида муҳокама қилиниши асосида амалга оширилиши таъкидланган бўлса, айrim манбаларда ушбу технология асосида ўқитишнинг бир нечта **моделлари** келтирилган.

Жумладан, “Flipped Class”нинг классик модели таълим олувчини бўлажак дарснинг назарий материаллар билан олдиндан таништиришни ўз ичига олади. Бунда ўқув материаллар матн, дарсларнинг параграфи, слайдлар, видео ва аудио материаллар шаклида берилади. Аудиторияда эса тьютор аввалдан ўрганилган материални муҳокама қилиш, мураккаб фикрларни тушунтириш, муаммоли саволларга жавоб бериш ва интерфаол усувлардан фойдаланган ҳолда дарс ўтишдан иборат бўлади.

Лойиха – аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган

ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган ҳаракат маҳсули.

Лойиха дастур, модел, технологик харита ва б. қўринишида намоён бўлади. Лойиҳанинг асосини илмий ёки ижодий характерга эга ғоя ташкил этади.

Лойиҳалаш – бошланғич маълумотларга асосланиб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган амалий ҳаракат.

Лойиҳалаш “**ғоя – мақсад – кутиладиган натижа – тахмин қилиш – башоратлаш – режалаштириш**” тизимиға асосланади. Лойиҳалаш турли воситалар, яъни моддий буюм, қуроллар, м: компьютер технологияси, ватмон ёки оддий иш қофози, чизғич, қалам, маркер, нусха кўчириш аппарати (принтер) ва б. ёрдамида амалга оширилади

Лойиҳани яратиш учун педагог лойиҳани яратиш, жараённи босқичмабосқич ёритиш, мақсадни аниқ белгилаш, мақсадга мос вазифаларни аниқлаш, ўқув материали мазмунини шакллантириш, савол ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиши, жараён ёки тадбирнинг методик тузилишини асослаш, талаба билим даражасини ташхислаш ва унинг тарбияланганлик даражасини баҳолаш каби кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарур.

Таълим жараёнини лойиҳалаш – алоҳида олинган таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойиҳаси (схемаси)ни ишлаб чиқиши.

Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари:

1) таълим жараёнини лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар (технологик жараён, технологик жараённи бошқариш, восита, ахборот, ижтимоий-иктисоий таъминот)нинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилиши билан таъминланади;

2) таълимнинг технологик воситалари талabalарнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади;

3) лойиҳалаш стратегиялари педагогнинг индивидуал услубига мувофиқ танланади;

4) лойиҳалаш сифати тескари алоқа (педагог ва ўқувчи ўртасидаги) кўлами, лойиҳалаш мазмуни ҳамда барча омиллар самарадорлигига боғлиқ.

Педагогик жараённи лойиҳалаш: **лойиҳа – мазмун – фаолият** учлиги асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратишdir.

Таълим жараёнини лойихалаш қуйидаги босқичларда кечади

АСОСИЙ БОСҚИЧЛАР

1-босқич: лойиҳани яратиш

2-босқич: ўкувчилар фаолиятини ташхислаш

3-босқич: педагогик жараённи ташкил этиш

4-босқич: педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш

5-босқич: ўкувчилар фаолиятини назорат қилиш

Педагогик жараённи лойиҳалашда бажариладиган **асосий вазифалар**:

- 1) педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш;
- 2) натижаларни олдиндин кўра билиш;
- 3) режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш.

Таълим жараённи лойиҳалашда вазифаларнинг белгиланиши



Виртуал лабораториялар. Виртуал лаборатория бу экспериментларни хақиқий ўрнатиш билан бевосита алоқада бўлмасдан ёки унинг тўлиқ йўқлигига амалга оширишга имкон берадиган дастурний ва аппарат комплексидир.

Виртуал лабораториялар деганда икки турдаги аппарат ва дастурний тизим тушунилади:

- 1) масофавий лабораториялар - масофадан кириш имконияти бўлган лаборатория қурилмалари мажмуи;

2) виртуал лабораториялар - лаборатория тажрибаларини тақлид қилишга имкон берадиган дастур.

Бунинг учун фойдаланиш мумкин:

- 1) тажриба ўтказиш техникаси билан танишиш;
- 2) ишлашингиз керак бўлган жиҳозлар билан танишиш;
- 3) кузатув, ҳисобот бериш кўникмаларини эгаллаш.

Бундай комплекслар максимал аниқлик, эксперимент ўтказиш учун ҳақиқий асбоб-ускуналар моделига мос келиш аниқлигини таъминлайди. Бу ишни сезиларли даражада осонлаштиради, вақтни тежайди ва ўрганилган ускунани тан олиш самарасини яратади.

Виртуал лабораторияларнинг афзалликлари:

- 1) интерактивлик;
- 2) маълум бир лабораториядан мустақиллик (компьютер мавжуд бўлган жойларда ўтказиш қобилияти);
- 3) таълим муассасасида кўпайтириб бўлмайдиган ёки воқеликда кузатиб бўлмайдиган обьектлар, жараёнлар, ҳодисаларни моделлаштириш қобилияти;
- 4) Интернетдан фойдаланган холда масофадан туриб вазифаларни бажариш қобилияти.

Виртуал ишлардан фойдаланишининг камчиликлари:

- 1) ҳақиқий изланишининг мумкин эмаслиги;
- 2) мавзуларнинг кўринмаслиги;
- 3) маҳсус ускуналар билан ишлашда амалий кўникмаларнинг этишмаслиги.

STAR (академиклар ва тадқиқотчилар учун дастурний воситалар) - Massachusetts texnologiya instituti (MIT) тадқиқот ва ўқитиши учун виртуал лабораторияларни ривожлантириш дастури. Дастурнинг фаолияти умумий биология, биокимё, генетика, гидрология, тақсимланган ҳисоблаш соҳасидаги ўқув ва илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқишидан иборат. Кўпгина дастурлар java ёки html-да амалга оширилади. StarBiochem, StarGenetics, StarORF, StarMolSim, StarBiogene, StarHydro, StarCluster каби виртуал лабораториялар.

Дебатлар-икки қарама-қарши, ўзаро мусобақалашаётган команда (гурух) иштирокчиларнинг олдиндан тайёрланган чиқишиларига асосланган расмий мухокама.

2.2. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш.

Танқидий фикрлаш ҳақидаги манбаларнинг илдизи қадим замонларга бориб тақалади. Яқин ва Ўрта Шарқда яшаб ижод этган ўрта аср мутафаккирлари табиий-илмий асарларида илмнинг турли томонлари, унинг принциплари,

тузилиши, меъзонлари, илмнинг инсон ақлий ривожи ва танқидий фикрлаши билан боғлиқлигига жиддий қизиқиш борлигини кузатамиз.


Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, уларнинг сафдошлари ва издошлари гносеологик қараашларининг характерли хусусияти шундан иборатки, инсон онгида предмет тимсоли (образи)ни мавхумлаштириш жараёни улар эътиборини доимо жалб этган, бунинг натижасида мазкур предмет моҳияти ва ўзига хослиги тушунчаси ишлаб чиқилган ва шаклланган.

Фикрлаш назарияси куртаги фан пайдо бўлиши билан юзага келди ва узлуксиз ривожланмоқда. Хоразмий бу назариянинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. *Форобий фанларга билимларни ўзлаштириш ва тўплашнинг зарур воситаси сифатида муҳим аҳамият берди, уларни эгаллашни эса саводхонлик кўрсаткичи деб ҳисоблади.*

Унинг айтишича, ҳиссиёт аъзолари, юрак ва мия инсон туғилгандан ато этилган, бошқалар билим, турли хил ақлий ва ахлоқий хусусиятлар: характер белгилари, таълим олиш ва бошқалар инсон ҳаётий танқидий фикрлаши жараёнида эгалланади. У инсон характерининг турли хусусиятлари ва ахлоқий фазилатлари: дадиллик, мардлик, дўстлик, сахийлик, зукколик, ҳаққонийлик ва ҳоказоларни белгилар экан, улар шахсни тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялаш натижаси деб ҳисоблайди. Мутафаккирнинг фикрича, ақлий ва хулқий сифатлар тарбияси икки хил усуллар (методлар) билан: шахсни камол топтиришга йўналтирилган ихтиёрий ҳаракатлар ва куч билан мажбур қилиш жараёнида амалга оширилиши мумкин.

Олимнинг фикрича инсон маънавиятининг олий поғонаси рух, ақл ва тафаккур бўлиб, улар инсон танқидий фикрлашига хос бўлган ўзига хос шаклларда намоён бўлади.

Форобий танқидий фикрлашини ташкил этиши масалалари бўйича бир қатор муҳим тавсияларни ишлаб чиқди. Яхши назоратчи бўлиши учун, дейди у, уч нарсага риоя қилиш зарур:



Берунийнинг илмий меъросида у ишлаб чиқсан табиатни ўрганиш ва унинг илмий методи катта ўрин эгаллайди. Беруний илмий методининг характерли

хусусиятлари ва асоси олимнинг объективлиги ва оқилона ёндашуви, кузатиш, тажрибалар, оғзаки ва ёзма ёдгорликларни ўрганиш далилларга танқидий ёндашув, уларни ақлий хулосалар шаклида мантиқий умумлаштириш, ҳақиқатни аниқлаш мақсадида қиёслашдан иборатdir.

Ибн Сино (Х-ХI асрлар) танқидий фикрлашининг турли хилларининг кенг манзарасини очиб берди. Уларни руҳнинг хилма-хил кучлари деб тасвирлади ва бу кучларнинг анчагина қисмини илохий ибтидо хукми таъсиридан ажратиб олди. У қадимги (анттик) анъанага мувоғиқ руҳни уч кўриниш: наботот, ҳайвонот ва ақлга ажратади.

Танқидий фикрлашини шакллантиришнинг муҳим шартига талабаларни дарсда танқидий фикрлаши турларини алмаштириш заруриятини қўшиш кераклигини қайд этилади. Талаба шахсини ривожлантиришда, шунингдек, икки йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин: *фикрлашини ривожлантириш ва тақомиллаштириш* ҳамда шахснинг муайян сифатларини шакллантириш. Ривожлантириш, фикрлашни танқидий фикрлашининг бўғини деб ҳисоблангани учун бу воситалар гуруҳини қўйида батафсил кўриб ўтамиз.

Танқидий фикрлаши мазмуни уч ташқи омиллар: объекти, мақсади, дидактик асослар ривожланишининг қонуниятлари орқали боғланади.

Танқидий фикрлашининг ташқи томони деганда биз анча содда жараёнларини (қабул қилиш, диққат-эътибор ва бошқалар) разбатлантириши ва талабанинг умумий иш қобилиятини сақлашини тушунамиз. Бунинг учун қўйидаги усуллар хизмат қиласди:

- ◆ турли методлар, турлар ва ўқув ишлари усулларини навбатлашиш йўли билан турли асаб марказлари ишларини алмаштиришни таъминлаш;
- ◆ ўқув жараёнида сўз ва кўргазмалилик, аниқ ва мавҳумийликнинг тўғри ўзаро муносабати;
- ◆ дарсда жисмоний ва мусиқий дам олиш дақиқалари;
- ◆ ижобий ҳиссиётларни қўллаб-қувватлаш;
- ◆ дидактик усул сифатида ўйин ва мусобақаларни қўллаш, танқидий фикрлашининг ички томони, бу авваламбор талабалар фикрлашини фаоллаштириш, бошланғич гуруҳларда эса улар тасаввури ва ижодкорлигини рағбатлантириш ҳамдир.

Танқидий фикрлашини шакллантиришининг ички томони мақсадларида фойдаланиладиган асосий усуллар қўйидагилардир:

- ❖ талабаларнинг мустақил иши;
- ❖ ўз-ўзини ва ўзаро назорат этиш элементлари;
- ❖ бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари таълимига муаммоли ёндашув;
- ❖ таълимнинг мослашув тизими элементлари ва бошқалар.

Ташқи ва ички шакллантириш усуллари танқидий фикрлашнинг барча босқичларини қамраб олади: жонли мушоҳада юритиш босқичида, тасавурни қабул қилиш ва юзага келишида; мавхум фикрлаш босқичида, ўкув материалини идрок этиш ва тизимлаштиришда, хулоса ва умумлашмаларни шакллантиришда, эсга олиш босқичида, ўзлаштирилган материални қўллашда.

Хатто яхши ўйлаб топилган тизим ва танқидий фикрлаш усулларидан оқилона фойдаланилганда ҳам талаба ўқитувчи режалаштирган таъсирларни ҳар доим ҳам мос равишда қабул қиласкермайди. Шу боис танқидий фикрлашни шакллантирувчи имконият ва воситалар билан бир қаторда талабалар ички механизмини ҳам ўрганиш зарур.

Танқидий фикрлашнинг педагогик- психологияк асослари.

Талабалар танқидий фикрлашини ўрганишда замонавий дидактика ва таълим психологияси ютукларидан фойдаланади. Танқидий фикрлашида талабаларнинг индивидуал ва типик хусусиятларини кўриб чиқади.

Ўзлаштириш жараёнида таҳлилий-синтетик фаолият, шунингдек қиёслаш, мавхумлаштириш, умумлаштириш ва аниқлаштириш каби фикрий операциялар муҳим рол ўйнайди.

Таҳлил - бу, предметни қисмларга фикран бўлишdir.

Синтез - алоҳида элементлар ёки қисмларни бир бутунга фикран бирлаштиришdir.

Жумладан, битта ўнлик ва иккита бирлиқдан иборат сон неча деб аталади деган ўқитувчининг саволига жавоб бериб, таълим олувчилар синтездан фойдаланади (Ўн ва иккита бир 12 сонини ташкил этади); 25 сонида нечта ўнликлар ва бирликлар бор деган саволга жавоб бериб, ўқувчилар сонлар таҳлилини амалга оширади.

Танқидий фикрлашнинг фаол методларини ишлаб чиқишида қуйидаги асослардан келиб чиқадилар: *Танқидий фикрлаши нима?*

Фикрлаш – ўқиши, ёзиши, сўзлаш ва эшитишга ўхшашиб жараён. У шундай фаол, мувофиқлаштирувчи жараёнки, унинг таркибида бирор ҳақиқат ётади.

Фикрлаш контекстдан ташқарида ҳосил қилинадиган қўнимка эмас. Танқидий фикрлаш таълимий дастур ёки кундалик ҳаётнинг умумий контекстидан йироқлашган шароитда ўрганилиши лозим бўлган ҳодиса ҳам эмас.

Браун (1989) таъкидлайдики, вазифа ва реал ҳаёт мақсадларига боғланмаган ўкув қўникмалари таълим олувчиларга объектив тестларни яхши топшириш имкониятини бериши мумкин, лекин улар бу қўникмаларни янги вазиятларда қўллай олмайдилар.

Самарали ва муттасил ўрганиш асосида талабаларнинг ахборотларни ўзлаштириш, синтезлаши ва уларни тўла эгаллаш фаоллиги ётади. Ўрганиш жараёни фикрлаш фаолиятининг турли туман кўринишларидан фойдалангандагина муваффақиятлироқ бўлади. Бунда жараён янада онгли равишда ўзлаштирилади. Ўрганиш ва танқидий фикрлаш талабаларнинг аниқ вазифаларга нисбатан янги билимларни қўллаш имкониятларига эга бўлган тақдирда ривожланади. Ўрганиш талабаларнинг олдинги билимлари, тажрибаларига таянгандагина мустаҳкамланади. Булар талабаларнинг билган билимларини янги ахборотлар билан боғлаш имкониятини беради. Танқидий фикрлаш ва ўрганиш ғоя ва тажрибаларнинг турли-туманлигини педагоглар тушунган ва қадрлаган вақтдагина амалга ошади. Танқидий фикрлаш «яккаю-ягона тўғри жавоб» ни қабул қиласидан менталитет жараёнида юз бермайди.

Танқидий фикрлашнинг ривожланиши муҳитини яратиши. Танқидий фикрлашни ривожлантириш осон иш эмас. Бу муайян ёш даврида тугалланган ва эсдан чиқариладиган вазифа ҳам эмас. Шу билан бирга танқидий фикрлашни ривожлантирадиган ягона йўл ҳам йўқ.

Лекин танқидий фикр шаклланишига ёрдам берувчи муайян ўқув тўплами мавжуд. Унинг учун:

- талабаларга фикр юритиш учун имконият бериш;
- турли-туман ғоя ва фикрларни қабул қилиш;
- талабаларнинг ўқув жараёнида фаоллигини таъминлаш;
- талабаларни кулгига қолмасликка ишонтириш;
- ҳар бир талабанинг танқидий фикр юритишга қодир эканлигига ишонч ҳиссини уйғотиш;
- танқидий фикрлашнинг юзага келишини қадрлаш лозим.

Шу муносабат билан талабалар:

- ўзига ишончни орттириш ва ўз фикри ҳамда ғояларининг қадрини тушуниш;
- ўқув жараёнида фаол иштирок этиш;
- турли фикрларни эътибор билан тинглаш;
- ўз ҳукмларини шакллантиришга ҳамда ундан қайтишга тайёр туриши лозим.

Вақт. Танқидий фикрлаш вақт талаб қиласиди. Яъни, ўз фикрларини шакллантириш гўё аввалги ғоя, тасаввур, учрашувлар ва тажрибаларни археологик жиҳатдан тадқиқ қилишга олиб келади. Шунинг учун ҳам:

- фикрларини ўз сўзлари билан ифодалаш;
- ўзаро танқидий фикрлар алмашиш;

- ўз ғояларини ифодалай олиш ва конструктив таклифларга жавоб ола билиш;
- фикрларни муайян ғоялар қиёфасида, қулай муҳитда амалга ошира олиш ва ўз ғояларини тўла ва аниқ ифодалай олиш.

Изн. Танқидий фикрлашда эркинлик бўлиши учун талабалар маъқул ва номаъқул нарсаларни айтиш, улар хақида фикрлаш, ижод қилиш учун рухсат олишлари лозим. Талабалар мумкин бўлган ҳолатларни англаб олишгач, танқидий таҳлил қилишга фаол киришадилар.

Танқидий таҳлилга изн олиш онглилик тамойилига асосланади. Бунда таҳлил ва ҳаддан ошиш орасидаги фарқ аниқлаб берилиши лозим. Танқидий фикрлашга изн бериш фикрлаш учун мақсад бўлиб, дўстона ҳамда самарали шароитда кечади.

Ранг-баранглийк. Талабаларнинг фикрлаш жараёнида турли фикрлар ва ғоялар пайдо бўлади.

Ранг-баранг фикр ва ғоялар яккаю-ягона жавобдан воз кечилгандагина мавжудлиги юзага келади. Фикрларни ифода қилиш чегараланганда талабаларнинг фикрлашига чек қўйилади. Фақат биргина жавоб лозим бўлган тақдирда хилма-хил восита ва жараёнлардан фойдаланиш жоизки, унинг ёрдамида талабалар ана шу жавобни топа олсин.

Фаоллик. Танқидий фикрлаш талабаларнинг фаоллиги билан бевосита боғлиқ. Одатда, талабалар сусткаш тингловчилар бўлишади, чунки уларда ўқитувчи билимли ёки китобда у бераётган билимлар мавжуд, шу туфайли улар билим олишларига ўқитувчи масъул деган тасаввурда бўладилар. Ўқув жараёнида талабаларнинг фаол иштироки ва ўқишига ўзларининг масъул эканлигини хис қилиш танқидий фикрлашда кутилган натижаларни беради. Талабаларни фикр юритишга, ўз ғоялари ва фикрлари билан ўзаро ўртоқлашишга даъват этиш каби педагогик ёндошув уларнинг фаоллигини ўстиради.

Таваккалчилик. Эркин фикрлийк таваккалчиликка асосланади. Унинг билим фаолиятида қўрқмай тавакkal қилувчи инсонларни рағбатлантириб туриш жоизdir. Фикрлаш жараёнида «аҳмоқона ғоялар» ақл билан тузилмаган бирикма ва тушунчалар илгари сурилган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Ўқитувчи уни ўқув жараёнини табиий ҳолати сифатида талабаларга тушунтириши лозим.

Қадрлаш. Танқидий фикрлаш омилларидан бири талабаларнинг фикрлаш жараёнини қадрлашлариdir. Ташкил этилган фикрлаш жараёнида талабалар ўз ғоялари, тасаввурларининг ўқитувчи томонидан қадрланаётганини тушунган чоғдагина чуқур масъулият ва эътиборга яраша жавоб қайтарадилар.

Талабалар ўз фикрлаш жараёнини қадрлашни намойиш қилишга ҳаракат қиласадилар, унга ва унинг оқибатларига нисбатан жиддий муносабатда бўла

бошлайдилар.

Қимматлилик. Фикрлаш жараёнини ташкил этиш давомида талаба ўзининг фикри, танқидий таҳлил натижалари қимматли эканлигини онгига сингдириши зарур. Ўқитувчи талабалардан муайян материални шунчаки қайта ишлашни талаб қилганда тайёр қолиплардан, андозалардан воз кечиш лозим бўлади. Бу эса талабада ўзгалар ғояларини механик тарзда қайта фикрлаш энг муҳим ва қимматли эканлигига ишонч ҳосил қилишига олиб келади. Аслида талабага ўз фикри, ўзига тааллуқли бўлган ғоя ва тасаввурлар қимматли эканлигини кўрсата олиш зарур. Талабанинг ўзи ҳам ўз фикрларининг қимматли эканлигига ишонч ҳосил қила олиши зарур. У ўз фикрини тушунча ва масалани муҳокама қилиш жараёнида ўта муҳим ва ечимга ҳисса қўшади дея тан олиши керак.

Ўзаро фикр алмашинуви. Фикрлаш жараёни талабаларнинг ўзаро фикр алмашувини кўзда тутади. Талабаларнинг ўзаро фикр алмашиниши уларнинг бир-биридан ўрганишдаги ўртоқчилигига асос солади. Талабалардан фикрловчи сифатида ўзларидаги фикрни ҳам оддий хатони ҳам бошқаларга очиб бериш талаб этилади.

Ўзаро фикр алмасишида талабалардан диққат билан тинглаш, ўзининг қарашларини тингловчига зўрлаб ўтказиш ва сўзловчиларни тузатиб туришдан ўзини тийиб туриши ҳам талаб этилади. Бунга жавобан талабалар бошқаларнинг ялпи фикрларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Кенг доирадаги мунозара оқибати ўлароқ талабалар ўзларига тегишли бўлган ғояларни таҳлил қилиш ва уни аниқлашга янада қобилиятлари орта боради, ҳамда уларни ўз билимлари ва ҳаётий тажрибаларида яратган ғоялар тизимиға тиркаб боради. Фикрлаш жараёнини ташкил этишда уни ўтказишнинг бир неча моделлари мавжуд. Улар:

- ўзига ишонч ҳосил қилиш;
- ишда фаол иштирок этиш;
- ўртоқлар ва ўқитувчи билан фикр алмасиш;
- ўзгалар фикрини тинглай олиш.

Танқидий фикрлашни таъминловчи саволлар. Танқидий фикрлаш жараёнида ахборотни таҳлил қилиш ва изоҳлаш, ғояларни таҳлил қилиш, ўрганилаётган ҳикояларни ўз тахминий режалари билан қайта тузиб чиқишига қаратилган саволлардан фойдаланилади. Қўлланмада таҳлил қилинаётган бу масалалар Сендерс (1969) ифодалари ва Блум тизимили саволларидан олинди. Бу саволлар турли даражадаги қийинчиликда фикрлашнинг турли кўринишларини таъминлашда восита бўлиб хизмат қиласи. Эслаб қолишга ёрдам берадиган ёки расмий саволлар энг қуи даражадаги саволларга тааллуқлидир. Баҳолаш ёки ҳукм чиқариш бериладиган саволлар фикрлашни таъминлайдиган иккинчи

сатҳдаги саволлар сифатида қаралади.

Расмий даражадаги шаклий сатҳ саволлари фактологик ахборотлар олиш мақсадида берилади. Улар фақат механик эслашни ва талабаларда яхши жавоб бериш учун қисқа муддатда маълум предметлар бўйича қисқача билимни талаб қилади.

Ахборотларни бир шаклдан иккинчи шаклга қўчириш талабалардан уни кучим (транформация) қилишни талаб қилади. Кўчириш саволлари талабаларга ўрганаётган, тавсифлаган ва кўрган вазиятлари, сахналари ва воқеаларини ўзлари намойиш эта олишлари учун берилади. Кўчириш саволлари талабаларни ахборотларни қайта ишлаш ёки бошқа шаклларга кўчим қилишга илҳомлантиради. Талабаларга сезиш, кўриш (сенсор) тажрибасини яратиш, шундан сўнг эса бошқаларга ўз кўрганларини етказиш учун уни эълон қилиш зарур. Бу фикрлашга тортишнинг фаол ижодий жараёнидир.

Талабаларга гоялар, далиллар, қайдлар ва қадриятлар орасидаги боғланишиларни очиш учун изоҳлашга қаратилган саволлар берилади.

Сендерс изоҳлашни талаб этадиган саволларга фикрлашни юқори даражага кўтарадиган таянч саволлари деб қарайди, бошқалар эса (Вогн ва Эстес) тушунишнинг ўзигина изоҳлашдир, деб ҳисоблайдилар.

Татбиқ қилишга қаратилган саволлар укиш (талаффуз) жараёни ёки ўрганиш тажрибасида учрайдиган мантиқ муаммоларини ечиш ва чукур ўрганиш учун имконият беради.

Таҳлил этишга қаратилган саволлар талабалардан у ёки бу воқеанинг аҳамияти етарли даражада яхши ёритилганми, йўқми деган саволга жавоб беришга ундейди.

Синтез қилишга қаратилган саволлар янгича фикрлаш асосида ижодий муаммоларни ҳал қилишга даъват этади. Синтез саволлари талабаларга ўзининг барча билим ва тажрибаларини муаммонинг ижодий ечилишида фойдаланишга имкон беради. Синтез саволлари муқобил сценарийлар яратишни ҳам тақозо қилиши мумкин.

Баҳолаш саволлари яхши ва ёмон, адолат сизлиқ тўғрисида хукм чиқариш учун берилади.

Баҳолаш саволлари талабаларга, ахборотлар сифатини, янги ахборотларга нисбатан ўз муносабатини баҳолай олиши, уларни қадрлай олиши учун берилади.

Танқидий фикрлашни ривожлантиришда муаллифлари фикрлаш жараёнини ташкил этишда идрок қилишнинг 4 ўринни фарқлайдилар:

Яхлитлигича идрок этиши. Мавзу ёки фан тўғрисида умумий билимни мужассамлантирган идрокдир.

Изоҳли идрок этиши. Бу Блум изоҳлари даражасига айнандир. Идрокнинг бу

турида талабағоя ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқаларини ёритади, унинг моҳиятини мухокама қиласи, фаннинг турли соҳаларига оид ғоя ва ахборотларни ҳатто ташки жиҳатдан боғлиқ ҳодисаларни бирлаштиради.

Шахсий идрок этиши. Талабалар ўзларида аввалдан мавжуд бўлган шахсий тажриба ва билимларни янги билимлар билан боғлаб тушуниш жараёни акс эттиради.

Танқидий идрок этиши. Мазмунни бир томонга қўйиб, уни таҳлил қилиш, унинг нисбий қимматини, тўғрилигини, фойдалилигини ва талабаларнинг билиши, тушуниши ва қабул қилиши доирасида унинг аҳамиятини баҳолашдир.

Шундай қилиб, ахборотларни чорлаш, ўйлаб кўриш ва фикрлаш методикаларидан фойдаланиш қуидаги муҳим вазифаларни ечиш имкониятини беради:

- талабаларга мақсадларини англаб олишга ёрдам беради;
- машғулотларда уларнинг фаоллигини таъминлайди;
- самарали мунозараға чорлайди;
- талабаларнинг ўзлари саволлар тузиши ва уни савол тарзида бера олиши учун ёрдам беради;
- талабаларга ўз шахсий билимларини ифода қилишга ёрдам беради;
- талабаларнинг шахсий мутолааси мотивациясини қўллаб-куватлади;
- ҳар қандай фикрларга бўлган хурмат кайфиятини яратади;
- талабаларда персонажларга нисбатан туйғуларни ўстиришга ёрдам беради;
- талабалар қадрланадиган фикрлашга шароит яратади;
- талабаларнинг танқидий жалб қилинишига бир қатор умидлар билдирилади.

Талабанинг танқидий фикрлашини шакллантириши жараёнида амалга оширилар экан, бу икки томонни кескин ажратмаслик керак, бироқ бундай фарқлаш, бизнинг фикримизча, танқидий фикрлашини шакллантириш муаммосини ҳал қилишга анча мақсадга йўналтирилган ҳолда яқинлашишга имкон беради.

Талаба шахсини ривожлантиришда, шунингдек, икки йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин: фикрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда шахснинг муайян сифатларини шакллантириш. Ривожлантириш, фикрлашни биз танқидий фикрлашининг бўйини деб ҳисоблаганимиз учун бу воситалар гуруҳи қуида батафсил кўриб ўтилди. Шахснинг муайян сифатларини шакллантиришга келганда эса, бунда мустақил ишлаш, тадқиқот топшириқларини бажариш, ижодий ишлар сингари воситалар қўлланилади, улар мустақилликни

шакллантиришга, фаолликка, ижодий ёндашувга қизиқиш ва бошқа шахс сифатларига махсус йўналтирилгандир.

Танқидий фикрлаш жараёнида ахборотни таҳлил қилиш ва изоҳлаш, ғояларни таҳлил қилиш, ўрганилаётган ҳикояларни ўз тахминий режалари билан қайта тузиб чиқишига қаратилган саволлардан фойдаланилади.

Талабаларнинг ёзма иш ёзиши орқали уларнинг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантирувчи стратегиялари. Танқидий тафаккур нутқ билан чамбарчас боғлиқ. Шахсада нутқнинг барча турлари ривожланган бўлиши керак.

Оғзаки нутқдан талаба “Ақлий хужум”, “Мунозара ўтказиши”, ўқилган материал бўйича фикр баён этиш ва бошқалардан фойдаланилади. Шу кунгача таълим жараёнида оғзаки нутқнинг ривожланишига кўпроқ эътибор берилган.

Ёзма нутқ талабанинг фикрланиши ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Ёзма нутқ фикрни кенг ва чуқур ўйлаб баён этишни, аниқ ифодалашни, баён этаётган фикр бўйича ўйлашни талаб этади.

Таълим жараёнида ёзма нутқнинг ривожланишига алоҳида эътибор бериш педагогик технологиянинг асосий талаби ҳисобланади.

Ўзаро фаол мулоқот жараёнида танқидий фикрлашиш, дарс жараёнини жонли мулоқот ва бахслар блан ўтказиш педагогик технологиянинг асосий талабидир. Бунда бир қатор иш усуллари мавжудки, улар гурух талабаларининг фаол ишлашига мўджалланган.

Чуқур ва атрофлича билим эгалланмаган, мустақил билим олишга одатланмаган, билимнинг ҳаётий аҳамиятини тушунмаган талаба яхши мутахассис бўлиб етиша олмайди.

Талаба ўз-ўзини ривожлантириши, мақсадга эришишнинг турли усуллари ва инновацияни билиши, мустақил қарорлар қабул қила олиши, ташаббускор бўлиши лозим. Бунинг учун касбий таълимнинг муҳим вазифаларидан бири танқидий фикрлашни касбий тайёргарлик босқичида мақсадли ва режали шакллантириш ва ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқишидан иборатdir. Зоро, талабаларнинг танқидий фикр юритиши юқори даражада шакллантирилса ва ривожлантирилса, келгуси касбий педагогик фаолиятида оддий битирувчидан мустақил, ижодий ва танқидий фикрлайдиган, турли масалаларни ҳал қилишда ностандарт ечимларни топа оладиган истиқболли субъектга айланади.

Танқидий фикрлаш орқали билим эгаллашнинг аҳамияти ҳақида буюк файласуф Аристотел: «**Нодонлик бу ҳали у қадар иллат эмас, саёз ўзлаштирилган билимларни жамлаш ундан баттарроқдири**», - деса, рус ёзувчиси Л.Н. Толстой: «**Донолик иложи борича кўп билишида эмас, балки қандай билимлар энг зарур, қандайлари озрок ва яна қандайлари фавқулодда**

*зарурлигини билишидир», - деган фикрни билдиради. Сотсиолог ва файласуф Г. Спенсер эса: «*Агар кишининг билимлари бетартиб ҳолда бўлса, қанчалик у кўпроқ билимга эга бўлган сайн фикрлари шу қадар парокандалашиб боради*», - дейди.*

Демак, **танқидий фикрлаш** – бу ижодий ёки интуитив фикрлаш эмас, далилларни ёдда сақлаш ёки ғояларни тушуниш ҳам эмас, балки янги ва тушунарли бўлган фикрлар ва ғояларнинг танланиши, текширилиши, баҳоланиши, ривожлантирилиши ва татбиғидир. Шундай экан, талабаларда танқидий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

2.3. Креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари

Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари. Хорижий мамалакатларнинг таълим тизими амалиётида шахс креативлик сифатларида шакллантириш ёки ривожлантиришга хизмат қиласиган кўплаб метод ва стратегиялар қўлланилади. Ушбу метод ва стратегияларнинг дидактик аҳамияти шундаки, улар талаба ва таълим олувчиларни ўқув материаллари юзасидан чуқур ўйлашга мажбур қиласиди. Шу сабабли бу метод ва стратегияларни креативлик сифатлари ниҳоятда паст ривожланган таълим олувчи ва талабалар билан ишлаш жараёнида самарали кўллаб бўлмайди.

Скампер таълим методининг мазмуни ва моҳияти. бир назорат рўйхати шаклидаги оддий, лекин самарали ижод техникасидир. Скампер (таълим методи) техникаси ишлаб чиқаришда кенг фойдланиб келинган бўлиб, SCAMPER сўзи "тез югуриш" деган маънени англаатади. SCAMPER тушунчаси кенгайтмаси (7 та)нинг хар биридан 7 қатордан ва 3 устундан иборат жадвал яратиш талаб этилади.



Витаген таълим технологиясининг моҳияти. Витаген – *vita* (лот.) – ҳаёт, *genesis* (лот.) – туғилмоқ (ҳосил бўлиш), яъни ҳаётдан туғилган.

Витаген таълим – шахс (талаба)нинг ҳаётий тажрибасини актуаллаштириш (талаб), унинг ақлий (интеллектуал) ва психологик салоҳиятидан ўқув мақсадларида фойдаланиш асосида ўқитиш.

Тушунчалар орасидаги фарқ



Ҳаёт тажрибаси – бу инсон томонидан яшамайдиган, факат унинг онги билан боғлиқ ахборотдир.

Ҳаётий тажриба – инсон ўзи (шу жумладан талаба) бошидан кечирган, у ҳис қилган, ўйлаб кўрган, тарғиб қилган ва узоқ муддатли хотира захирасига сақланган, у учун шахсан муҳим бўлиб қолган маълумот.



Талабанинг роли

Талаба билиш жараёнининг тенг хуқуқли иштирокчisi, яъни нафақат объектив, балки билиш фаолиятининг субъекти ҳамdir.

Витагенга йўналтирилган таълимнинг мақсади шахснинг интеллектуал ва психологик потенциалини намоён қилишдан иборат. Бунда шахснинг ҳаёт тажрибасини ҳаётий тажрибага ўзгартиришни назарда тутади.

Витаген таълим принциплари:

Ўқитувчининг ҳаётий тажрибасига таяниш-билимларни қадриятга айлантиришнинг асосий йўли.

- Ҳаётий тажриба шахсга таълим жараёнida потенциал қобилиятларни рўёбга чиқариш имкониятини беради.

- Ҳаёт тажрибаларидан кўп ўлчовли фойдаланиш керак.


- Талабанинг ақлий(интеллектуал) салоҳиятини фаоллаштириш шахси хурмат қилишга асосланган бўлиши керак.

Витаген таълимни амалга ошириш йўллари:

1. Визуализация ёрдамида витаген тажрибасининг таркибини аниqlаш.

2. Турли сўровлар орқали витаген тажрибасини аниқлаш
3. Витаген тажрибасини ўқув жараёнининг барча иштирокчилари томонидан тасдиқлаш орқали аниқлаш.
4. Витаген тажрибасини таҳлил қилиш. Унинг табиати ва ҳажмини очиб бериш, улар ўртасидаги алоқани ўрнатиши.
5. Витаген тажрибасини таснифлаш учун асосни аниқлаш, уни таснифлаш. Турли хил билимлар соҳасидаги витагенга хос бўлган маълумотларни бирлаштириш.
6. Мақсадли педагогик таъсир ўтказиш имкониятини аниқлаш интеграллашган билим, кўникма ва муносабатларни шакллантириш.
7. Турли соҳаларда илмий билимларни қуришда витаген тажрибасидан фойдаланиш шартларини аниқлаш.
8. Таълим жараёнига ҳаётий тажрибаси юқори бўлган иштирокчиларни жалб қилиш орқали талабаларнинг дунёқарашларини кенгайтириш.

Витаген технологиясини амалга ошириш



Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишининг замонавий усуллари. Мустақил таълим шахснинг ривожланишида асосий омил бўлиб, унинг келгуси фаолиятида мустақил ишлай олиш хусусиятларини тавсифловчи бўлиб хизмат қиласи. Мустақил таълим мазмуни меҳнат характерига бевосита эмас, балки билвосита таъсир этиб, мустақил таълим учун имконият топа олишига боғлиқ бўлади. Мустақил таълим талабанинг келгуси фаолияти давомида ўз йўлини белгилашнинг воситаси бўлиб, талаба ўз имкониятларини баҳолай олишига сабаб бўлади. Талаба мустақил ишини ташкиллаштиришни ўқитиши парадигмаларига киритишга сабаб, талабани мустақил фаолият юритишини ташкиллаштириш бўйича ёндашувни ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, ўқитувчидан янги роль ва янги вазифаларни талаб этади.

Ҳозирги кунда талаба мустақил иши ўқув-машқ фаолиятининг бир тури бўлган малака билимлари дастурини ўзлаштириш ётади, ушбу дастур аниқ бир тизимда амалга оширилиб, аниқ натижага эришиш режасини тузиш ҳамда уни баҳолашда ўқитувчи билан шерикчиликда иш олиб борилади. Ушбу замонавий ёндошув олий мактаб ўқитувчисидан талаба мустақил ишини ташкиллаштиришга муносабатини ўзгартиришни талаб этади.

«Мустақил таълим» тушунчаси педагогик луғатларда ўқув юртидан ташқари, мустақил ўрганиш туфайли эгалланадиган таълим туридир, деб таърифланган. Айни вақтда «мустақил таълим олиш», «ўзини тарбиялаш», «мустақил ўқиш» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда.

Илмий тадқиқот натижалари асосида мустақил таълимга қўйидагича таъриф берилди: *мустақил таълим* – ўқув материалини мустақил ўзлаштириши, мураккаблик дараҷаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажарии асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимили фаолиятдир.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида мустақил ишнинг иккита умум қабул қилинган шакллари мавжуд: аудитория ва аудиториядан ташқари.

Аудитория мустақил иши ўқитувчи назорати остида ўтказилади ҳамда вазифани бажариш мобайнида ўқитувчи маслаҳат олиш имкони бўлади. Аудиториядан ташқари мустақил иши мустақил равишда талабага қулай вақтда кўп ҳолатларда аудиториядан ташқарида ўтказилади, агар, маҳсус хона талаб этиладиган бўлса, лаборатория ёки устахонада ўтказилади.

Ҳозирги кунда талаба мустақил ишини ташкиллаштиришда аудиториядан ташқари мустақил ишга катта эътибор қаратилмоқда.

Аудиториядан ташқари мустақил иши (кейинчалик мустақил иши) – талабанинг режадаги ўқув, ўқув-тадқиқот, илмий-тадқиқот иши бўлиб, ўқитувчи топшириғи билан аудиториядан ташқарида, ўқитувчининг методик раҳбарлиги остида, аммо ўқитувчининг бевосита иштирокисиз бажарилади.

Талабаларнинг мустақил ишининг асосий белгиларига киради:

- билим ёки амалий вазифани, муаммовий савол ёки вазиятни ҳамда уларни бажариш учун алоҳида вақт, хулоса бўлиши;

- талаба у ёки бу фаолиятни тўғри ва юқори сифатли бажаришда ақлинни намойиш этиш;



- талаба олдига күйилган вазифани ҳал этиш жараёнида мустақил фикр юрита олиши ва фаоллигини намойиш этиш;
- муаммомини қанчалик тушуниб етганигини акс эттирувчи натижаларни бўлиши;
- мустақил иши кўнималарини эгаллаганлиги.

Шундай қилиб, мустақил иш бир томондан ўқитувчининг бевосита иштирокисиз бажариладиган ўқитишининг шакли ва ўкув меҳнати тури деб қаралса, бошқа томондан – талабаларни мустақил билиш жараёнига жалб этиш, уни ташкиллаштириш усулларини шакллантириш воситаси сифатида қаралади.

Мустақил фаолият тушунчаси остида фаолиятнинг барча структура компонентларини бажаришда мустақиллик даражасини белгиловчи билиш фаолиятининг тури тушунилади. Яъни, муаммони белгилаш, назорат, ўз-ўзини назоратлаш, қидибув характерига эга бўлган оддий иш турларидан мураккаб иш турларига диалектик ўтишни коррекциялаш ҳамда педагогик бошқарувнинг раҳбар ролини талабанинг ўзига доимий трансформация орқали мустақил иш усулларини эгаллаганидан сўнг ўтказиш [Г.М.Коджаспирова, 1998].

Мустақил фаолиятнинг асосий белгиси талабани ўқитувчи ёрдамисиз ишлаши эмас, балки талаба томонидан бажарилаган барча **ҳаракатлар** талаба ўз олдига кўйган мақсадга асосланган

холда бажариши ҳисобланади.

Мустақил ишнинг дидактик вазифаларини асосий мазмуни қўйидагилардан иборат:

- талабаларни ўкув дастурини эгаллашини қўллаб-қувватлаш;
- талабани ўз ўқишига масъулиятини ошириш;
- информацион компетентликни такомиллаштиришга шароит яратиш;
- мустақил ўқиш, ўкув-тадқиқот/тадқиқот, лойихавий ва ижодий фаолият соҳасида компетенцияларни ривожлантириш;
- талабаларда тизимли фикрлашни шакллантириш.

Талаба мустақил иши тартиб ва тизимли ташкилотни, ўқитувчи ва талаба шерикчилик асосида ишлашини талаб этади.

Ўқитувчининг асосий вазифаси талаба ўкув фаолиятини ҳамда ўқитиши мұхитини конструирлаштырып беради. Ўқитувчи ва талаба фаоляти ўзаро боғланган, туб маъносига кўра эса ўқитувчи талаба фаолиятига ҳамроҳ бўлиши керак.

Талаба мустақил ишини ташкиллаштириш технологияси қўйидаги босқичларда амалга оширилади.

Тайёрлов босқичида ўқитувчи томонидан қўйидагиилар бажарилади:

1 қадам. Ўқув дастурига янги бўлимларни киритиш орқали коррекциялаш: мустақил иш мавзулари, мустақил иш назорат қилиш, мустақил иш учун топшириклар намунаси.

2 қадам. Асосий мақсадга йўналтирилган ўқув ишларини танлаб олиш – талабада универсал ва малакавий компетенцияни ривожлантириш.

3 қадам. Мустақил иш топшириқларини ишлаб чиқиш.

4 қадам. Талаба мустақил иш бажариш давомида тўплаши зарур бўлган соатлар ва баллар йиғиндисини ҳисоблаш.

5 қадам. Талаба танлаш имконияти бўлиши учун қўшимча шакл, усуллар ва ўқитиши воситаларини келтирилган технологик харитани ишлаб чиқиш.

6 қадам. Фан бўйича ўқув-услубий комплексни ишлаб чиқиш ҳамда ўқитиши мұхитини лойиҳалаштириш.

Мақсадни аниқлаш ва режалаштириш босқичи талаба ва ўқитувчи режаларини ўзаро келишувини талаб этади. Ўқитувчи талаба фаолиятини самарадор бўлиши учун мавзу бўйича мустақил иш технологик харитасини таклиф этади. Талаба ўқув иш турини танлайди, талаблар билан танишади.

Маслаҳат бериш босқичи талаба мустақил иш бажаришидаги асосий босқичлардан бири ҳисобланади. Ўқитувчи маслаҳатчи, эксперт, тьютор ва модератор вазифасини бажаради. Айнан ушбу босқичда талаба педагогик таянчни олади. Маслаҳат албатта талабанинг талабига асосан ўтказилиши керак: информацион, технологик, психологик ва ҳ.к. кўринишида. Кўп ҳолатларда ўқитувчи экспертли ёки лойиҳалаштириш бўйича маслаҳат беради. Аммо, ҳар доим ҳам маслаҳат бериш ижобий натижа бермайди, баъзида маҳсус қарор ва алоҳида вазифани талаб этувчи масалалар чиқиб қолади. Баъзи талабаларга фасилитация талаб этилади, бундай ҳолатларда ўқитувчи тьюторлик вазифасини бажариши керак бўлади. Баъзи талабалар шахсий фаолиятини ташкиллаштириш компетенцияларига ҳамда гуруҳда ўзаро фаолият қўрсатишига эга бўлмайдилар, бунда ўқитувчи модераторлик вазифасини бажаради.

Назорат-баҳолаш босқичи ўз ичига фақатгина талабани баҳолаш вазифасини олиб қолмай, балки талаба зх фаолиятини ўзи баҳолаши ёки талабалар ўзаро баҳоланишларини ҳам олади. Талаба фаолиятини баҳолашнинг бир неча шакллари мавжуд: технологик харитага асосланиб топшириқларни комплекс баҳолаш, рефлексив қундалик тутиш, лойиҳа ва тадқиқот ишлари ҳимояси, портфолио ҳимояси ва ҳ.к.лар.

Назорат-баҳолаш босқичи рефлексивга мос келади. Ўқитувчи шуни ёдда тутмоғи лозимки, талаба мустақил иш бажаришида қўйидаги қадамларни бажариши керак.

1 қадам. Мустақил иш мақсадини аниқлаш.

2 қадам. Билиш вазифасини(муаммоли ёки амалий) конкретлаш.

3 қадам. Ўз олдига қўйилган ёки танланган вазифага асосланиб мустақил ишга тайёрланганлигини ўзи томонидан баҳоланиши.

4 қадам. Вазифани ҳал этишга олиб келувчи ҳаракатларнинг адекват усулини танлаш (уни ҳал этувчи йўл ва воситаларни танлаш).

5 қадам. Вазифани ҳал этиш режасини тузиш (мустақил ёки ўқитувчи ёрдамида).

6 қадам. М/и бажариш дастурини амалга ошириш.

7 қадам. Олинган натижаларга баҳо бериш орқали м/и бажарилишини талабани ўзи назорат қилиши.

8 қадам. Шахсий ўқув фаолиятини рефлексияси.

Ҳар бир қадамда фаолият рефлексияси зарур.

Якуний босқич аналитик бўлиб, бунда талаба ҳам ўқитувчи ҳам фаолиятни тизимли рефлексиясини амалга оширишади. Талаба қўйидаги саволларга жавоб бериш орқали рефлексияни амалга оширади:

1. Ўқув фаолияти давомида нима амалга оширилди, нима йўқ. Амалга ошмаслиги учун нима тўсқинлик қилди?

2. Универсал ва малакавий компетенциялардан қайси бирини ривожланишига эришилди? Мени нокомпетентлигим нима билан намоён бўлади? Буни тўғрилашнинг имкони борми?

3. Ушбу курсда ўқув ва шахсий ютуқлардан қайси бири ҳамроҳ бўлди?

4. Ўз билимимни оширишда яна нималар қилишим зарур? Шахсий ва малакавий фаолиятимни қандай оширишим мумкин.

Ўқитувчи олинган натижаларни таҳлил этади, хулоса беради, топшириқни ҳал этишдаги камчиликларни айтади.

Назорат саволлари

1. Таълимнинг ташкилий шакли деганда нимани тушунасиз?
2. Якка тартибда ўқитиш мазмунини баён қилинг.
3. Синф-дарс тизимининг афзаллик ва камчиликларини айтиб беринг.
4. Дарсларга қандай дидактик талаблар қўйилади?
5. Ўқув машғулотларни ташкил этишнинг асосий шаклларини санаб беринг.
6. Замонавий ўқитиш шаклларини баён қилинг.
7. Ўқув машғулотларини лойиҳалаш қандай тартибда амалга оширилади?
8. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи ривожлантириш йўллари.
9. Танқидий фикрлашнинг ташқи ва ички томони.
10. Креатив фикрлашни шакллантириш усуллари.
11. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий усуллари.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.—Т.:Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи “Ўқитувчи ва мураббийлар—янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир”. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 1 октябрь, №207 (7709).
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль, “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарори.
12. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с.
13. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

14. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дисс... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.
15. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Т.: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
16. Иноятов У.И. ва бошқ. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.-Т.: ТДПУ – 2013. – 256 б.
17. Макарова.Н.С. Дидактика высшей школы. монография/ Н. С. Макарова, Н. А. Дука, Н. В. Чекалева. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2019 - 172 с.
18. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
19. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.
20. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО УрФУ, 2017. – 128 с.
21. Савельева С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе вуза: монография. – Воскресенск, 2012. – 218 с.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. МАВЗУ:ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ПРФЕССИОНАЛЛИГИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ (2 соат)

Режа:

1. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши.
2. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув ва тарбиявий мақсади:

Таълими: тингловчиларга ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда диққатни жалб этиш усуллари билан таништириш, тушунча бериш.

Тарбиявий: тингловчиларга аудиторияни бошқаришда диққатни жалб этиш усулларини қўллашнинг ўқитувчи ва тингловчи фаолиятидаги аҳамиятини назарий ва амалий ёритиб бериш орқали уларда қизиқиш, ўқув фаолиятида қўллашга ҳоҳиш уйғотиши.

Ривожлантирувчи: тингловчиларда ўқув машғулотларини самарали ўтказишлари ва таълим сифатини оширишларида, аудиторияни бошқаришларида диққатни жалб қилиш усулларини қўлланиши бўйича билим, кўникма ва малакларини бойитиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш методикаларини ўргатиш, ўқитувчиларда ижодкорликни ривожлантириш.

Ўқув ва моддий таъминот: компьютер ва видеопроектор; марқатма материал, машғулотга тегишили презентация слайдлари, маркерлар, скоч, доска, компьютер, проектор.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ:

Машғулот ўқитувчининг тингловчиларни аудиторияни бошқаришда диққатни жалб этиш усуллари билан экрандаги тақдимот материаллари орқали таништиришдан бошлайди ва ўқув жараёни қатнашчиларини кичик гурухлар ёки жуфтликларга бўлади.



Диққатни жалб этиш усуллари:

ташқи киёфа,
нүткій (нүтк өнгөттөрдөрлик),
бір лаҳзалик сұкут,
харакатли,
белгили,
жестлар,
аралаш



Хар бир кичик гурухға экранда берилған презентация материаллари асосида тайёрланған диққатни жалб этиш усулларига тегишли бўлган тарқатма материалларни тарқатади, уларни биргаликда тўлдиришлари тартибларини тушунтиради. Ўкув саволига тегишли тарқатма материаллар қуидагича бўлиши мумкин:

Ўқув жараёнини бошқариш услублари					
Авторитар		Демократик		Либерал	
<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>	<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>	<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>
Хулоса:					

Ўқитувчи томонидан тингловчилар диққатини жалб қилиш усуллари Жестлар

<i>Ижобий таъсир</i>	<i>Салбий таъсир</i>

**Ўқитувчи томонидан тингловчилар дикқатини жалб қилиш усуллари
Нутқ ва оҳангдорлик**

<i>Ижобий таъсир</i>	<i>Салбий таъсир</i>

**Ўқитувчи томонидан тингловчилар дикқатини жалб қилиш усуллари
Ташқи қиёфа**

<i>Ижобий таъсир</i>	<i>Салбий таъсир</i>

Ўқитувчи топшириқни тингловчилар томонидан бажаришлари учун тайёрланишга вақт ажратади ва уларни тақдимот қоидалари билан таништиради, тингловчиларнинг тайёрланишлари учун шароит яратади.

Гурухлар тайёргарликни бошлайдилар.

Кейинги босқичда гурухлар тайёрлаган ижодий ишларини навбати билан тақдимот қиладилар. Ўқитувчи гурухлар тақдимоти учун вақт белгилайди. Ҳар бир чиқиш тугагач, бошқа гурух қатнашчилари намойиш этилган тақдимотни тўлдиришлари ва мавзуга оид саволлар беришлари мумкин.

Ўқитувчи ҳар бир гурухнинг тақдимотини умумлаштиради, фикр алмашади ва баҳолайди. Машғулотда қўланилган методларга изоҳ беради ва машғулотни яқунлайди.

Ўқитувчи тингловчилар билан машқ қилишда ўзининг (шахсий) қизиқарлироқ вариантларидан ҳам фойдаланиши ёки педагогик-психологик уйин элементларидан фойдаланган ҳолда ҳам ташкил этиши мумкин.

Машғулотнинг яқуни

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот яқунланади.

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. МАВЗУ: ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ. (2 СОАТ)

Режа:


1. Ўқув машғулотларининг замонавий турлари асосида (лойиха, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш.
2. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш.
3. Креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари

Амалий машғулотнинг мақсади: тингловчиларда ўқув машғулотларининг замонавий турлари асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикасига оид кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулотни ташкил этиш ва ўтказиша интерфаол таълим методларидан фойдаланилади.

Биринчи топшириқ. Тингловчилардан ўқув машғулотларни ташкил этишнинг асосий шаклларини турларини белгилаш талаб этилади. Тингловчиларга қуйидаги расм шаклдаги иш вароги тақдим этилади

Ўқув машғулотларни ташкил этишнинг асосий шакллари




Иккинчи топшириқ. Тингловчилар Дарсларга қўйиладиган дидактик талабларни қўйидаги жадвалга тўлдириши талаб этилади.


№	Дарсларга қўйиладиган дидактик талаблар		
	Таълимий	Тарбиявий	Ривожлантирувчи

Учинчи топшириқ. Тингловчилар томонидан *анъанавий* ва *ноанъанавий* дарсларни қиёсий таҳлил қилиш талаб этилади. Бунда тингловчилар SWOT таҳлил методидан фойдаланишлари мумкин.


Тингловчиларга иш вароғи



Тингловчиларга иш вароғи



Тўртинчи топшириқ! Таълим жараёнини лойиҳалаш босқичларини изоҳланг!



Бешинчи топшириқ. Қўйидаги жадвалдаги Танқидий фикрлашни ривожлантириш босқичлари мазмунини тўлдиринг

Тингловчининг иш вароғи

Чақириқ (Даъват)	Англаш	Фикрлаш

Тўлдирилган варианти

Чақириқ (Даъват)	Англаш	Фикрлаш
<p>1. Янги маълумотларни маълум бўлганлар билан боғлаш.</p> <p>2. Талабаларни фаоллаштириш.</p> <p>3. Таклиф этилган мавзуни муҳокама қилиш</p>	<p>1. Чақириқ босқичида яратилган қизиқиш ва ҳаракатланиш инерциясини, фаолликни қўллаб-қўвватлаш.</p> <p>2. Талабаларда ўз тушинишини кузатишига доир интилиш-ларини қўллаш.</p> <p>3. Янги ўқув материа-лининг тушунилишига эришиш</p>	<p>1. Талабалар янги фикр ва ахборотларни ўз сўзлари билан ифодалашга ҳаракат килиб кўришлари керак.</p> <p>2. Тушунганларни ўз сўзлари билан ифодалаб, қайта тузганда шахсий англашган контекст юзага келади.</p> <p>3. Жонли фикрлар алмашинувига эришилади</p>

Олтинчи топшириқ. муаммоли-вазият. Компьютер графикаси дарсида ўқитувчи компьютерда график ишни ишлаш йўлларини паст темпда намойиш қилмоқда. Гурухнинг 9 нафар ўқувчиси эса ўқитувчининг ҳар бир ҳаракатига диққат билан эътибор бераб, ҳаммаси унинг ҳаракатига бир овоздан жавоб беришмоқда.

- 1) Менда бу холат тайёр!
- 2) Бундан сўнг қандай операция бажарилади?
- 3) Аниматцияни бажариш керак!
- 4) Обектнинг фронтал қисмига қандай ўтилади?
- 5) Ctrl +F !

Мустақил фикр: Ўқитувчи ўқитишининг қандай тамоилиларидан фойдаланди?

Бундай ўқитиши ҳақида сиз нима дея оласиз?

Унинг моҳияти нимада кўринади?

Еттинчи топшириқ. муаммоли-вазият. Мутахассислик фанида “График обьектлар чизиш” мавзусини баён қилиш жараёнида ўқитувчи томонидан гурух олдига савол қўйилди: бирор график обьектни чизишда нималарга эътиборни қаратиш зарур? Жавоблар турлича бўлди: “тўғри дастур танлаш”, “нусха кўчиришда бурчак қисмларига эътибор бериш”, “ранг форматларида RGB CMYK ларни тўғри танлай олиш” ва ҳоказо. Ўқитувчи қўшимча саволлар орқали гурухни “бошқариб” бориб, график обьектлар чизиш йўлларини ўзи якунлаб беради. Ўқувчиларга эса график обьект чизишни компьютерда бажариш топширилади.

Мустақил фикр: 1. Ўқитувчи янги мавзуни баён қилишда қандай дидактик усуллардан фойдаланди?


2. Янги мавзуни шу тартибда тушунтириб беришини тўғри деб биласизми?
3. “Саволни тўғри қўйилиши – масаланинг ярмини ҳал қилишдир” деган жумла нимани изоҳлайди?.

Саккизинчи топшириқ. Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести бўйича ишлаш.

Америкалик психолог Э.П.Торренс томонидан асосланган “Тугалланмаган расмлар” тести юзасидан ишлашга оид топшириқ.

Тингловчиларнинг эътиборларига Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести ҳавола этилади ва берилган штрихларга таянган ҳолда тўлақонли расм (сурат)ни ишлаш топширифи берилади.

Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести



Машғулотнинг якуни

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. МАВЗУ: STEAM ВА STREM ТАЪЛИМ ХУСУСИЯТЛАРИ. (2 соат)

Режа:

1. Steam-таълим (Science – аник фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) хусусиятлари.

2. STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

Амалий машғулотнинг мақсади: тингловчиларда фанлараро интегратив ёндашув, илмий-техник билимлардан реал ҳаётда фойдаланишга оид қўникма ва малакаларини ривожлантириш.


Амалий машғулотни ташкил этиш ва ўтказишида интерфаол таълим методларидан фойдаланилади.

Биринчи топширик. Тингловчиларнинг Steam-таълим хусусиятлари ҳақидаги касбий билимларни шаклланганлик даражасини аниқлашга оид анкета-сўровнома ўтказилади. Ҳар бир тингловчи қўйидаги анкета саволларига жавоб бериши талаб этилади.


№	Анкета саволлари	Жавоб
1	STEAM таълими деганда нимани тушунасиз?	
2	Ўқув жараёнида фанлараро алоқоадорлик қандай аҳамиятга эга?	
3	Ўқув билимларининг фанлараро тузилмаси нима?	
4	STEAM таълим мининг устуворлигининг сабаблари нималарда ифодасини топади?	
5	STEAM таълим тизими фанни ўқитишнинг анъанавий усулидан қандай фарқ қиласи?	

6	Фанлараро алқадорликлар принципининг асосий мөхияттарынан мейёрий функцияларини ёритинг	
---	---	--


Иккинчи топширик. “Венна диаграммаси” методи асосида үқитадиган фанингизни “Science – аник фанлар” билан үзаро интеграцияси аниқланғ.




Учинчи топшириқ. “Венна диаграммаси” методи асосида үқитадиган фанингизни “Technology – технологиялар” билан үзаро интеграцияси аникланг.




Түртінчи топшириқ. “Венна диаграммаси” методи асосида үқитадиган фанингизни “Engineering – техник ижодкорлик” билан үзаро интеграцияси аникланг.




Бешинчи топшириқ. “Венна диаграммаси” методи асосида ўқитадиган фанингизни “Art – ижодий санъат” билан ўзаро интеграцияси аниқланг.



Олтинчи топшириқ. “Венна диаграммаси” методи асосида ўқитадиган фанингизни “Mathematics – математика” билан ўзаро интеграцияси аниқланг.



Еттинчи топшириқ. “Менталь харита” методи асосида ўқитадиган фанингизни STEAM билан ўзаро интеграцияси аниқланг!



Машғулотнинг якуни

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади

Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати:

1. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с.
2. Гулобод Құдратуллоқ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Аңъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
3. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дис... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.
4. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Т.: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
5. Ишмуҳамедов Р.Ж., Юлдашев М.А. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик техноологиялар (таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма) - Т. 2017, 368 б.
6. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
7. Макарова.Н.С. Дидактика высшей школы. монография/ Н. С. Макарова, Н. А. Дука, Н. В. Чекалева. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство

Юрайт, 2019 - 172 с.

8. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
9. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.
10. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО УрФУ, 2017. – 128 с.
11. Савельева С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе вуза: монография. – Воскресенск, 2012. – 218 с.

V. ГЛОССАРИЙ

V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Алгоритм Algorithm	Модул таълими таркибий бўлакларининг ўзаро жойлашиши ҳамда технологик жараённи амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартиб-коидалари	Rules initially established to realize an interposition of parts of module education and sequence of technological process
Аралаш модел Mixed model	Масофавий таълимнинг турли шакллари, бир неча шаклларнинг интеграциясига асосланган модел	Model based on various forms distance learning and integration of some forms
Аралаш ўқитиш Blended learning	Онлайн ўкув материаллари ҳамда ўқитувчи раҳбарлигида гурухда таълим олишга асосланган ўқитиш шакли	A form of teaching based on a group learning under the supervision of a teacher using online study materials
“Ассесмент” технологияси “Assessment technology”	Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини хар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириклар тўплами	A set of assignments intended for comprehensive assessment of skill and competence level of students
Ахборотли лойихалар Information projects	Ўкув жараёнини ташкил этиш ёки бошқа таълимий характерга эга буюртмаларни бажариш мақсадида назарий ахборотларни йиғишига йўналтирилган лойихалар	Projects intended for collecting theoretical information aiming at realization of scientific projects or organization of educational process
Валидация Validation	Таълим махсулоти, таълим хизматлари ёки таълим тизими истеъмолчилари эҳтиёжларининг қондирилиши	Satisfaction of interests of customers in educational and service system
Вебинар технология Webinar technology	Web технологиялар асоси (онлайн тадбирлар ва таълим воситалари ёрдами)да ташкил этиладиган семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, тренинг, турли воқеа ёк ҳодисалар бўйича Интернет тармоғи орқали ташкил этиладиган тўғридан тўғри узатиладиган лавҳа (трансляция)лар	Broadcasting organized via Internet transmitting live seminars, conferences, debates, presentations, negotiations, meetings, trainings, various events with the help of Web technologies
Дарс ишланмаси Lesson planning	Таълимий мазмунга эга лойиха ва ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат	An obligatory document completed by a teacher and a project that has educational essence
Дастурий таълим Program education	1) ўқитишининг талаба, талабалар эҳтиёжи, қизиқиши, билими, дунёқарashi, улар томонидан ўкув материалларини ўзлаштиришда дуч келиш эҳтимоли бўлган муаммолар, ўкув фанининг имкониятларини	1) education organized considering interests and needs, outlook of students, problems that appear in assimilation of study materials by students, and opportunities of the academic

	инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган таълим; 2) педагогик технологияларидан бири	subject; 2) one of the pedagogical technologies
Драматик ўйинлар Dramatic games	Психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ўйинлар	Games intended for solving psychologic and social issues
Дидактик ўйинлар Didactic games	Ўрганилаётган объект, ходиса, жараёнларни моделлаштириш асосида талабаларнинг билишга бўлган қизиқишилари, фаолликларини оширадиган ўқув фаолияти тури	A type of a study activity that increases activeness, interest of students in getting knowledge based on the modeling of processes, events, objects that are being studied
Ижодий лойиҳалар Creative projects	Индивиуал ёки ҳамкорлик асосида ижодий характерга эга янги таълим маҳсулотлари (ижодий ҳисобот, кўргазма, дизайн, видеофильм, нашр ишлари – китоб, альманах, буклет, альбом, босма ва электрон журнал, компьютер дастурлари кабилар)ни яратишга йўналтирилган лойиҳалар	The projects intended to creat new educational products (activity report, exhibition, design, videofilm, publishing works: books, literary miscellany, pamphlets, albums, printed and electronic journals, computer programmes) that have creative characteristics based on cooperation and individual activity
Имитацион ўйинлар Imitation games	Ишлаб чиқариш корхоналари, иш ўринлари, фирмалар, ташкилотларда ходимлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни имитациялаш (тақлид қилиш, кўчириш) асосида талабаларни муйян амалий ёки касбий фаолиятга самарали тайёрлашга йўналтирадиган ўйинлар	Activities aimed at effective preparing students for certain activities based on imitation of activity carried out by employees of organizations, companies, factories
Индивидуал таълим Individual education	Таълим жараёнида ўқитувчининг фақатгина бир нафар талаба билан ёки талабанинг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение, радио ва б. ахборот технологиялар) биланўзаро ҳамкорлиги асосида ўқув материалларининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing of mastering skills of a student in cooperatuion with a single student or educational means (literature, computer, television, redio, etc.) during educational process
Инновацион таълим Innovative education	Талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим	Education that allows to develop skills and qualities f a student
Инновацион фаолият	Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос	An activity carried out for solving a set of problems that

Innovative activity	келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият	occur as a result of rejecting new developing ideas or inappropriateness of new social requirements to traditional standards
Инновация Innovation	Муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият	An activity aimed at changing the internal structure of a certain system
Интерфаол таълим Interactive aducation	Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим	The education based on organization of interaction in mastering by students certain moral qualities, skills and knodlegde
Ишбильармонлик ўйинлари Business games	Маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ва сифатларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар	Activities organized in order to master skills in running a certain activity, process or relationships and their effective and proper organization
“Кейс-стади” технологияси “Case study” technology	Муаммоли вазият; талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул варианtlарини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология	A technology that forms skills in earching for proper variants by analizing created or authentic dilemma (problematic situation) or problems
Лойихалаш Projecting	Бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, маҳсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган амалий ҳаракат	An action aimed at developing the essence of an activity or process, acivity model by assuming, predicting, planning an expected result based on the initial information, specifically chosen form, method and means
Лойиха Project	Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган ҳаракат маҳсули	A result of an action aimed at developing the essence of pedagogical activity based on a certain plan, aim and by guaranteeing its effectiveness
Лойиха методи A method of project	Ўкув жараёнини индивидуаллаштириш, талабанинг ўзини мустақил намоён қилишини режалаштириш, ўз фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва назорат қилиш имкониятини берадиган таълим методлари мажмуйи	A set of educational methods that allow individualization of educational process, independent planning of students' performance, control and proper organization of an activity
Лойиха таълими	Таълимий ҳарактердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг	Education aimed at developing the essence of pedagogical

A study of project	натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига йўналтирилган таълим	activity by guaranteeing the effectiveness of a plan and aim that have educational characteristics
Масофавий таълим Distance learning	Муайян нуқтадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение и б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришдаи анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишига йўналтирилган таълим	Education aimed at using study resources based on innovative form, method and means in organizing study services, expanding and delivering study products with the help of certain information communication means (video, audio, computer, multimedia, radio, television, etc.)
Масофавий таълим технологиялари Distance learning technologies	Таълимнинг белгиланган мазмун асосида амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган шакл, метод ва воситалар мажмуасидир	A set of forms, methods and means used for increasing effectiveness of education and educational process
Маҳорат дарслари Master classes	Очиқ ташкил этилиб, илғор педагогик тажрибаларни тарғиб этишига йўналтирилан самарали ўқитиш шакли	An effective form of teaching organized to spread progressive pedagogical experiences
Модератор Moderator	Масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра сухбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог	A pedagog leading seminars, trainings, debates and forums organized in the frames of distance learning
Моделлаштириш Modeling	Ходиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш	Developing a model that discloses principal essence of an event, process and system
Модел Model	Реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган объектнинг соддалаштирилган, кичрайтирилган (кагталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси	A simplified or lessened copy of a real and authentic object
Модернизация Modernization	Объектнинг янги талаблар ва мөъёллар, техник кўрсатмалар, сифат кўрсаткичларига мос равишда янгиланиши	Renewal of the object according to the new requirements, quality indicators and technical regulations
Модул Module	1) тизим ичидағи ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тутун; 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи атама; 3) ўкув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги	1) units that consists of interrelated elements in the system; 2) notion meaning parts that create a certain technology; 3) logically completed units of study materials

Модул таълими A study of module	Ўқув жараёнини ташкил этишнинг муайян шакли бўлиб, унга кўра ўқув материалы мантиқий тугалланган бирликлари – модулларга асосланган холда маълум босқич ва қадамлар асосида ўзлаштирилади	A certain form of organization of educational process, according to which the logically completed units of study materials are mastered based on the certain stages and steps
Муаммоли вазият Dilemma	Талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараённада юзага келган зиддиятни англаши билан боғлик руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлик янги билимларни излашни тақозо этади	It is a psychological state of a student that is related with tension that occurs during a process of accomplishing the assignments, and it requires to master skills, knowledge for successful and effective accomplishment
Муаммоли маъруза A problem lecture	Ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаолиятини оширишга йўналтирилган маъруза	A lecture aimed at increasing students' study activity in solving an issue or dilemma
Муаммоли таълим Problem education	Талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хulosаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
Муаммоли таълим технологиялари Problem education technologies	талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хulosаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиласиган таълим технологиялари	The technologies that develop students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
Муаммо Problem	Ҳал қилиниши мухим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масала	an issue that has practical and theoretical significance and needs to be dealt with or solved
Мустақил таълим Independent learning	ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўқув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш, уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга тайёрлашга йўналтирилган таълим	education aimed at preparing the students of higher educational institutions for independent organization of professional activity, self-mastering and improving skills and competence obtained in lectures, seminars and practical lessons on specialized study subjects under the supervision and control of pedagogs

Новация Novation	Тизимдаги айрим элементларнигина ўзгаришишга хизмат қилувчи фаолият	An activity that serves to change certain elements in the system
Педагогик муаммо Pedagogical problem	Хал қилиниши зарур, бирок, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала	A pedagogical issue that must be solved but has uncertain ways of solution
“Портфолио” Portfolio	Автобиографик характерга эга хужжатлар тўплами	A set of autobiographical documents
Репетиторлик таълими Tutoring	Индивидуал таълимнинг энг оммалашган замонавий тури	A modern type of popular individual learning
Ривожланиш Development	Шахснинг физиологик ҳамда интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён	A complicated process of qualitative and quantitative changes in individual's physiological and intellectual development
Ривожлантирувчи таълим Developing education	Талабаларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла рўёбга чиқаришига йўналтирилган таълим	Education aimed at revealing and developing students' inner capacities
Ролли ўйинлар Role-playing games	Маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги рухий ҳолати, хатти-харакатлар моҳиятини очиб беришга йўналтирилган ўйинлар	Activities that allow to explore the psychological state and actions of an individual when accomplishing the assignments and obligations
Сюжетли ўйинлар Plot games	Педагогик воқелик, ҳодисалар баёнининг муайян изчиллиги ва унда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар	Activities that are organized based on the interrelation of activities of individuals who participate in pedagogical situations
Тадқиқот лойиҳалари Projects of research works	Илмий изланиш характерига эга лойиҳалар	Projects that have scientific study characteristics
Таълим жараёнини лойиҳалаштириш Projecting the educational process	Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустакил ҳаракат қилишини таъминловчи маҳсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти	A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and organize activites and its assessment
Таълим инновациялари Educational	Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб,	Forms, methods and technologies that are used for innovative solutions to existing problems in learning process or

innovations	аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар	educational sphere and that guarantee effective results
Технологик модел (паспорт) Technological model (passport)	Таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи хужжат	A document that reveals main indicators of education or spiritual and educational events and their technological characteristics
Технологик харита Technological map	Таълим жараённи бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган хужжат	A document that comprises all necessary information that is represented to pedagogues that lead educational process or those who carry out technical services to a certain object
Шахсга йўналтирилган таълим Student-centered education	Талабанинг фикрлаш ва харакат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a student by considering his thinking and action strategies
Шахсни ривожлантириш Developing an individual	Индивидда вақт нуқтаи назаридан жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни	A process of occurring physical and psychological changes in an individual
Ўйин Game	Кишилик фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, тақлид килиш) асосида ўзлаштириш шакли	An important type of individual's activity and a form or method of mastering by imitating the relationships by children
Ўйин технологиялари (ўйин таълими) Game technologies (game learning)	Ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўнинма, малака ҳамда ҳиссий-баҳоловчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири	One of the types of education (pedagogical technologies) aimed at creating a process of emotional and assessment activity as well as skills and competence that are the forms of mastering various social experiences by a student
Ўқув лойиҳаси Learning project	1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот килиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули; 2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси; 3) ривожлантириш, тарбиялаш,	1) a method of organizing an independent learning activity carried out by students for searching, studying and solving the problems and representing a result in the form of a product; 2) means of learning activities carried out by students for accomplishing the practical assignments based on theoretical knowledge; 3) a didactic mean that

	таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита	develops, educates, increases knowledge and develops skills, competence
Ўқув топшириқлари Study assignments	Ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиласиган таълимий вазифалар йигиндиси	A set of learning assignments that allows to identify the level of knowledge, skills and competence of students on a certain subject

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар қунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи “Ўқитувчи ва мураббийлар–янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимииздир”. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 1 октябрь, №207 (7709).

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль, “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

17. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с.

18. Гулобод Қурдатуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

19. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дисс... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.

20. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик кўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Т.: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

21. Иноятов У.И. ва бошқ. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.-Т.: ТДПУ – 2013. – 256 б.

22. Ишмуҳамедов Р.Ж., Юлдашев М.А. Таълим ва тарбияда инновацон педагогик техноологиялар (таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув кўлланма) - Т. 2017, 368 б.

23. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

24. Макарова.Н.С. Дидактика высшей школы. монография/ Н. С. Макарова, Н. А. Дука, Н. В. Чекалева. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2019 - 172 с.

25. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик кўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

26. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик кўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

27. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО УрФУ, 2017. – 128 с.

28. Савельева С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе вуза: монография. – Воскресенск, 2012. – 218 с.

IV. Интернет сайлар

29. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
30. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
31. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
32. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
33. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
34. <http://tmetod.uz> – ТДПУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази.